ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ-ОЛИЙ БАХТ

OZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI

FEDERATION Of TRADE UNIONS Of UZBEKISTAN

ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

12 август, сешанба 1997 йил №94 (444)

Сешанба , пайшанба ва шанба кунлари чиқади

УМИД УЛАРГА ЙЎЛДОШ

Ватан мустақиллиги омилкор, ташаббускор кишиларнинг ишлаб чиқаришнинг турли жабҳаларида эркин ва уддабуронлик билан фаолият кўрсатишларига кенг йўл очди.

Самарқанд вилояти Нарпай туманида жойлашган «Бобур» агрофирма тизимида ҳозир ўнлаб бақувват хўжаликлар бор. Ушбу фирмани бундан бор-йўғи уч ярим йил муқаддам уста тадбиркорлардан бири Салим Ҳабибов ташкил қилганди. Жамоа хўжалигидан ижарага ер олиб агросаноат комплексини рўёбга чиқаришга киришди. Ҳамқишлоқларини ҳам ўз ёнига олди. Бел боғлаб ишга киришилди.

Омилкор деҳқонларнинг меҳнатлари ўз мевасини берди: банкдан олинган 4 миллион ссуда-қарз пули тўлалигича қайтарилди. Буёғи энди нақд фойда келтирмоқда. Туман аҳли «Бобур» хўжалиги деҳқонлари етиштирган арзон, сифатли маҳсулотлардан бахраманд бўлмоқда. Яқинда бу ерда консерва заводи қуриб ишга туширилди. Маҳаллий деҳқонлар томонидан етиштирилган сабзавот,мева, полиз ҳосилини қайта ишлаб, турли ширинликлар, томат, тузлама маҳсулотлари тайёрланмоқда. Йилига ўртача миллион дона шартли банка консерва маҳсулоти ишлаб чиқарилмоқда. Бундан ташқари бир суткада 7 тоннагача сутни қайта ишлайдиган завод ҳам қад кўтарди. Бу ердан чиқадиган маҳсулотлар фақат бозорга эмас, касалхоналар, болалар боғчаси, мактабларга ҳам юборилмоқда..

Фирма таркибига 15 минг тонна пахтани қайта ишлайдиган завод ҳам киради. «Бобур» фирмаси деҳқонлари бу йил 310 гектар ерда пахта етиштираяптилар. Кўз тегмасин, ҳозирча ҳосилнинг чўғи баланд. Пахтакорлар кузда 38 центнердан пахта олишни мўлжаллаб туришибди.

Йил ўн икки ой турли кўкатлардан тортиб, лимон, бодринг, помидоргача ўстириладиган 2 гектарлик иссиқхонани айтмайсизми, дилингиз яшнайди.

Тадбиркорлар бу билан чегараланиб қолишгани йўқ. Айни чоғда чорвачилик фермаси ҳам мул-кулчилик йўлида иш олиб бораяпти.

Ҳужалик фаолиятининг ютуғи шундаки, хом ашё ҳам, ишчи кучи ҳам фақат маҳаллий асосга таянади. Одамларнинг туриш-турмуши илгаридан анча яхши. Айниқса, ёшлар келажакка умид билан қарашаяпти. Муҳими шунда. Бир оғиз сўз билан айтганда, фирма тизимидаги 22 каттаю кичик корхоналар аҳоли турмушини яхшилашга хизмат қилаяпти.

Шунинг учун ҳам 55 минг кишилик нарпайликлар уста тадбиркор Салим Ҳабибовни депутат этиб сайлашган. Салим аканинг ҳозир қўли-қўлига тегмайди. Ҳамма ишга улуриши керак. Қисқа муддат ичида Мирбозор касалхонаси қайта таъмирланди. Улуғбек, Ибн Сино посёлкаларига газ қувури тортилди. Оқтош шаҳрига, Бўстон қишлоғига сув олиб келинди. Буларнинг ҳаммасига тиниб-тинчимас Салим Ҳабибов бошқош.

Суратларда: агрофирманинг тажрибали чорвадори (ўнгдан) Т. Ҳамидов ва агрофирма директори С.Ҳабибов.

ИҚТИСОДИЁТ ХАБАРЛАРИ

«Тошсут» пайчилик жамиятида тайёрланаётган маҳсулотларнинг тури тобора кўпаймоқда. 30 хил ассортиментдаги маҳсулотга яна 7 таси қўшилди.

Бу янги маҳсулотлар асосан сутли ичимликлар, мева шарбатлари бўлиб, улар технологияси жаҳоннинг қарийб 90 мамлакатида қўлланилаётган Швециянинг «Тетра пак» фирмасининг энг янги ускуналари ёрдамида ишлаб чиқилмоқда.

Корхонада тайёрланаётган маҳсулотлар тобора харидоргир бўлиб бормоқда. Шу йилнинг ўзида жамоа республикамизнинг барча вилоятларидаги тижорат ташкилотлари билан шоколадли сут, апельсин, мандарин, олма шарбатлари етказиб бериш учун 600 дан ортиқ шартнома тузди. Яқинда тузилган битимга асосан энди корхонанинг маҳсулотлари қўшни мамлакатлар Қозоғистон ва Россияга ҳам йўл олади.

Машҳур «Ян Интернешнл» фирмасининг ёрдамида корхонада экзотик мевалар— киви, монго, ананас, йогурта шарбатлари тайёрлайдиган янги цех ишга тушиб маҳсулот бера бошлади.

***

Американинг принтерлар ишлаб чиқарадиган машҳур Lexmark фирмаси Узбекистондаги «Ниҳол» компанияси билан дистрибьютерлик битимини имзолади.

IBM базасида ташкил топган Lexmark муътадил ривожланиб бораётган фирма. Олти йиллик фаолияти давомида фирманинг айланма маблағи сезиларли ортди. 1996 йил у 10 фоизга ортиб, 2,4 миллиард АҚШ долларига тенг бўлди. Шу вақт ичида эса компаниянинг даромади икки баравар кўпайиб, 128 миллион долларни ташкил этди.

Ҳозирги кунда жаҳоннинг 150 мамлакатида фирманинг филиаллари мавжуд бўлиб, уларда 7500 ходим хизмат қилади.

***

«Узмашпром»га қарашли «Ута қаттиқ материаллар» акционерлик жамияти тош йўнишда ишлатиладиган янги-янги ускуна турларини яратиш билан бир қаторда радиотехникада кенг қўлланиладиган ферромагнит ишлаб чиқаришни ҳам йўлга қўймоқда.

Бу янги маҳсулотни ишлаб чиқариш корхонага шу вақтгача ички ва ташқи бозор учун чиқараётган қаттиқ қотишмадан тайёрланган нарсаларни текислаш ва жилолаш, ойна ва биллурга ишлов беришда ишлатиладиган доирасимон олмос ишлаб чиқариш технологияси базасини янада такомиллаштиришга ёрдам беради.

Етти иқлим нафаси

Сингапурда Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатлари ташқи ишлар вазирларининг учрашуви ўтказилди. Бунда Камбоджада сўнги пайтда рўй берган воқеаларга доир масалалар кўриб чиқилиши кўзда тутилмоқда.

***

АҚШга қилган амалий сафарларидан қайтиб келган Озарбайжон Президенти Ҳ. Алиев Каспий денгизидаги нефть заҳираларидан фойдаланиш масаласи тўғрисида Россия ва Туркманистон Президентлари учрашувида билдирилган фикрларга ўз муносабатини билдириб, бу вазиятдан чиқиш йўли топилади, чунки томонлар бундан манфаатдор, деди.

***

Россия божхона ходимлари Туркия томон йўл олган кемадан четга олиб чиқиб кетилаётган 100 миллион долларни қўлга киритдилар.

Мана бир неча кундирки, Тожикистон пойтахти Душанбеда яна бесаранжомлик. Чироқ йўқ. Транспорт деярли қатнамай қуйди. 1992 йилдан бери ҳозиргидагидек вазият бўлмаган эди. Қарама-қарши томонларнинг отишмалари тўхтамаяпти. Кишилар қурбон бўлмоқда. Ҳозиргача 50 дан ортиқ одам ярадор бўлган, улганлар сони аниқланмоқда. БиБи-Си радиосининг хабарига қараганда, махсус отряд бошлиғи С. Қосимовнинг гуруҳи собиқ мудофаа вазири Ё. Салимга қарашли жангариларни шаҳардан қувиб чиқарган. Президент И. Раҳмонов урушаётган томонларга мурожаат қилиб, уч кун ичида қуролларни топширишга чақирди.

***

Тожикистонлик муҳожирларнинг ўз юртларига қайтишлари ниҳоятда секинлик билан амалга оширмоқда. Бу ҳақда сўзлаган мухолифат раҳбарларидан бири иш шу зайлда борса, уларнинг қайтиши учун яна икки йил керак бўлади, деган.

***

Қозоғистон ҳукумати Канада билан тузилган шартномани бир томонлама бекор қилди. Чунки ушбу «Казуранинтернешнл» компанияси иш ҳақи сифатида туланиши лозим бўлган 4,5 миллион долларни ишчиларга бермаган.

***

Алматида уч қардош республика Қозоғистон, Қирғизистон, Узбекистон ҳукуматлари бошлиқларининг учрашуви бўлиб, унда узаро иқтисодий интеграция масалалари кўриб чиқилди.

Акс садо: «Умидли дунё»

ИНСОН ЗАМИНИНИ АРДОҚЛАШИ КЕРАК

«Ишонч» газетасида мамлакатимизнинг таниқли журналистларидан бири Абдураим Отаметовнинг « Умидли дунё» деб номланган туркум мақолаларини ўқидим-у оғир ўйга толдим. Муаллиф катта ҳудудни эгаллаган минтақада ғоят оғир экологик вазият пайдо бўлганини куйиниб, диллари дардаламга тўлиб-тошиб қалам тебратган.

Камина туркум мақолаларни бирин-кетин ўқир экан, табиатнинг инсон учун бебаҳо инъоми, об-ҳавони ўзига хос мўътадиллаштириб турувчи ноёб «восита» оқсоқоли Орол денгизи соҳилларига сиғмасдан ҳайқириб оқадиган бўтана, бироқ дунёдаги энг ширин сувли асов Амударё беихтиёр кўз ўнгимга келади. Ҳа, шунга ҳам 35-40 йил бўлибди. Қанчалик ачинарли, аянчли бўлса ҳам тан олиш керакки, бешик-тешик тўлқинлар отиб, Марказий Осиёга файз бағишлаб турган Орол денгизи бугун мунғайиб қолди...

(Давоми 2-бетда)

Тадбиркорлик бурчи

МАҚСАД: «НИҚОБ»СИЗ ФАОЛИЯТ

— Дадаси, неварангиз қирқ кунлик бўлаяпти, энди бешикниям тараддудини кўраверинг. Эшитишимча, Косон деҳқон бозорининг ёнида бир дўкон бор эмиш. Одамларнинг айтишларича, шу дўконда сотилаётган бешиклар ҳам сифатли, ҳам бошқа жойлардагига қараганда анча арзон экан. Сотувчиларини жуда инсофли одамлар дейишади. Шу дўконни қидириб топиб, бешикни ўша ердан харид қилганингиз маъқул.

— Бўлди, бўлди, тушиндим, дуконни қидириб овора бўлишнинг ҳечам ҳожати йўқ, у ерни ҳамма беш бармоғидек билади.

Дарҳақиқат, Косон деҳқон бозори ёнида жойлашган Асқар Бобокалонов бошлиқ «Лазиз» савдо ва ишлаб чиқариш фирмасига қарашли бу дўконни нафақат косонликлар, балки Қашқадарё вилоятининг қўшина туман ва шаҳарларида истиқомат қилувчи миллий буюм-у жиҳозлар, тортли қандолатлар, эҳтиёжмандлари жуда яхши билишади. Шу боисдан ҳам Косон аҳолисидан ташқари, Муборак, Баҳористон, Усмон Юсупов, Касби, Чироқчи туманларидан келувчи харидорларнинг кети асло узилмайди. Уларнинг кўпи бу ерга асосан бешик ва сандиқ харид қилиш учун келишади. Бунинг боиси, фирма жамоаси ишлаб чиқараётган бешик, сандиқ, шкаф, шифоner ва бошқа жиҳозларнинг бежирим, чиройли безакли, сифатли ҳамда арзонлигидир. Шунингдек, фирма ишлаб чиқараётган новвот, халва, печенье ва бошқа маҳсулотлар ҳам жуда харидоргир. Бу маҳсулотларга шундай арзон нархлар белгиланганки, нарх устида қайта савдолашишга харидорнинг ўзи ҳам истиҳола қилиб, уялади.

Фирманинг эл назарига тушиб, доимий харидорлари сони кун сайин ошиб боришида ишбилармон, мулоҳазакор ва саховатпеша раҳбар Асқар Бобокалоновнинг хизматлари каттадир. У ўз фирмасини реклама қилиб эмас, маҳсулотлар сифатини ошириб ва нархини рисоладагидек белгилаб элга танитди.

Фирма жамоаси ҳар ойда ўрта ҳисобда 250 минг сўмдан ошиб савдо хизмати кўрсатишга эришмоқда. Ходимларнинг ўртача ойлик маоши 1800 сўмданга тўғри келади.

— Янги режаларимиз ҳам йўқ эмас, — дейди Асқар Бобокалонов, — яқин орада цехларни кенгайтириб, маҳсулот ишлаб чиқариш турларини кўпайтириш, қўшимча савдо дўконлари очиш ҳисобига аҳолига савдо хизмати кўрсатишни оширмоқчимиз. Бундан кўзланган асосий мақсадларимиз, биринчидан, иш ўринларини кўпайтириш, иккинчидан, миллий буюмлар, жиҳозлар, асбоб-ускуналар ишлаб чиқариш миқдорини ошириб, аҳоли эҳтиёжларини арзон нархларда тўлароқ қондириш, эл дастурхонига кўплаб сифатли қандолат маҳсулотлари тортиқ қилишдир. Ана шу режаларимизни ҳақиқий тадбиркорларга хос ҳаракатчанлик ва ҳалоллик билан тез орада амалга ошириб, инсон манфаатлари йилини беш юз минг сўм соф фойда билан сарҳисоб қилишни мўлжаллаб қўйганмиз. Қўриладиган соф фойда фирмамиз равнақи, ишловчиларимизнинг моддий манфаатлари ҳамда бошқа хайрия ишларига сарф қилинади. Тадбиркорнинг бурчи янгилик яратиш, ҳеч бир «ниқоб»ларсиз ҳалол ишлаб, эл-юртга наф келтиришдан иборатдир.

Нормамат ТОҒА

БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ВА БОЗОР

Халқнинг қай аҳволда яшаётганини билмоқчи бўлсанг, унинг бозорига разм сол, дейишади. Дарҳақиқат, бугун бозорларимиз турфа хил молларга лиқ тўла. Лекин молларнинг сифати ҳамиша ҳам истеъмочиларни қаноатлантираяптими? Шу каби саволларга жавоб топиш истагида Сирдарё вилоятидаги айрим бозорларни кўзатишга жазм этдик.

ҲУНАРМАНДЛАР САФИ ОРТМОҚДА

Бахт шаҳар бозори қўриқ вилоятдаги энг кўҳна бозорлардан ҳисобланади. Бу ерда айниқса, жума ва якшанба кунлари ҳаёт қайнайди.

— Мустақиллик шарофати билан тадбиркорларга кенг йўл очилди, — дейди «Бахт» деҳқон бозори ҳиссадорлик жамияти раиси А. Саъдиев, — авваллари асосан давлат дўконлари бозоримизга келиб савдо хизмат кўрсатишар эди. Эндиликда 535 та хусусий дўконлар, яъни тадбиркор-тижоратчилар ҳудудимизга яқин бўлган Мирзаобод, Сирдарё, Сайхунобод туманлари, ҳатто қўшни Қозоғистон Республикасидан кенг халқ истеъмоли моллари билан келиб савдо-сотиқ ишларини олиб боришаяпти. Асосий вазифамиз — аҳолига қулай шарт-шароит яратиш, тадбиркорларга ўз хизмат вазифаларини сифатли бажаришларига яқиндан кўмаклашишдан иборат. Илгари вилоятда йирик деб ҳисоблаб келинган бозоримиз бугунга келиб торлик қилиб қолди. Янги бозор қурилиши учун вилоят ҳокимлиги Гулистон шаҳридан Бахтга кираверишдаги катта ўзбек тракти ёнгинасидан тегишли ер майдони ажратди. Айни пайтда қурилиш ишлари бошлаб юборилди.

Ҳамроҳимиз, Бахт шаҳар Далат солиқ инспекцияси бошлиғининг ўринбосари Ойбек Бойқулов бозордаги халқ ҳунармандчилиги фаолияти кенгайиб бораётганлигидан мамнунлигини яширмади. Унинг таъкидлашича, ҳозирги пайтда 30 га яқин ҳунармандлар, шунингдек, сўмлик молларни соликдан яширганлиги аниқланди. Улар қилмишларига яраша жаримага тортилдилар. Тадбиркор М. Ризаева бўлса ўзига тегишли ҳужжатларни турмуш ўртоғи Т. Ризаевга бериб, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш бўйича белгиланган тартибни бузганлиги учун жарима тўлашга мажбур бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси истеъмолчилар манфаатини ҳимоя қилиш мақсадида 1996 йилнинг августида спиртли ичимликлар ва тамаки маҳсулотларига акциз маркаси жорий этиш ҳақида 285-сонли қарор қабул қилган эди. Мазкур қарорнинг жойларда бажарилишини шаҳар солиқ инспекцияси доимий диққат-эътибор билан назорат этиб бораяпти. Савдо-тижорат ва воситачилик билан шуғулланувчи тадбиркор Ф. Худойназаров муқаддам тамаки маҳсулотларини акциз маркасисиз сотаётганда ушланган эди. У тегишли жарима ва огоҳлантиришдан ўзига тўғри хулоса чиқара олмай, такроран текширилганда, яна ўша ҳол давом этаётганлиги қайд этилди. Бу қонунбузарга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 189 моддаси, 1-қисми билан жиноий иш қўзғатилиб, иш Сирдарё туман ички ишлар бўлими тергов бўлинмасига ўтказилди.

Дарҳақиқат, Бахт шаҳар бозорида истеъмолчилар манфаатини ҳимоя этиш, муҳими, халқ ҳунармандчилигини ривожлантиришга эътиборнинг кучайтирилаётганлиги қувонарли ҳолдир. Бундай хайрли тадбирларни вилоятнинг ҳар бир бозорида кўришни дилдан истаб қолдик.

ИСТЕЪМОЛЧИНИ ҲАМ ЎЙЛАНГ-ДА!..

Сирдарё вилоят стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаш регионал маркази ўз фаолиятида «Истеъмолчилар манфаатини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг жойларда амал қилишини таъминлашга алоҳида аҳамият бериб келмоқда. Бугунги Мирзачўл бозорлари саҳоватли ёзнинг ноз-неъматлари билан тўлиб-тошган. Шу кунларда деҳқон бозорлари қошидаги қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг истеъмолчи талаби ва саломатлигини муҳофаза этишга нечоғлик мослигини доимий ва қатъий кузатиб туришга фаолияти йўналтирилган ветеринария-санитария экспертизаси станциялари олдига ғоят муҳим вазифалар қўйилиши шубҳасиз. Жойлардаги текширишлар шуни кўрсатдики, вилоят деҳқон бозорларида бу муҳим ишга ҳали-ҳамон пангик талабларга жавоб бермайди.

Бахт шаҳридаги деҳқон бозорида мавжуд 25 та ўлчов асбобларининг 22 таси яроқсизлиги аниқланди.

Пахтаобод деҳқон бозоридаги сан-ветэкспертиза тармоғи ўта хароб аҳволда. Барча ўлчов асбоблари ўз хизмат муддатини аллақачон ўтаб бўлган бўлсада, хонада хўжакўрсинга «савлат тўкиб» турганига нима дейсиз? Мавжуд 7 та ўлчов асбоблари бутунлай носоз.

Шу каби камчиликларни Ховос, Янгиер, Гулистон туман ва шаҳарлар деҳқон бозорлари қошидаги санветэкспертиза тармоқларида ҳам учратиш мумкин.

Шуни айтиш керакки, жойларда бу борада ҳар йили камида икки маротабадан текшириш ишлари олиб борилса-да, ўзгариш, ўнгланиш сезилмаяпти. Вилоят бўйича текширувдан ўтказилган 169 та ўлчов асбобларининг 158 таси ишлатишга яроқсиз деб топилганини нима билан изоҳлаш мумкин?

Фактлар шундан далолат бериб турибдики, вилоят бозорларидаги санветэкспертиза тармоқларида ўтказилаётган анализлар бозорга киритилаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари таркибидаги физик-кимёвий моддалар миқдорини ҳаққоний тарзда кўрсата олиш қувватига эга эмас. Шуниси ачинарлики, бозорга, яъни истеъмолчига келтирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари таркибини шунчаки чамалаб, журналга қайд этиб қўйиш ҳоллари ҳам учрамоқдаки, бу билан асло муроса қилиб бўлмайди.

Энди хулоса қилишга шошилмайлик-да, мазкур фактлар устида озгина фикр юритайлик. Дейлик, маҳсулот таркибида инсон саломатлигига салбий таъсир этувчи нитрат ёки бошқа зарарли модда миқдори нормадагидан анча кўп. Уни қоғоздаги «ясама хулоса»га ишониб харид қилдик. Кейинги натижа эса маълум — касалхона, тўшак, дори-дармон... ва турфа хил кўнгилхираликлар.

Қиссадан ҳисса шуки, истеъмолчи манфаатини ҳимоя қилиш дарвозасининг мўътабар остонаси ишониб топширилган нуфузли идора — вилоят санвестлабораториясидир. Биз унинг бошлиғи Р. Йўлдошевга истеъмолчилар манфаати муқаддаслигини, уни ҳамиша ҳурмат этиш зарурлигини яна бир бор эслатиб қўйишни лозим топдик.

Абдуманнон АЗИМОВ,
«Ишонч» мухбири.

Акс садо: «Умидли дунё»

ИНСОН ЗАМИНИНИ АРДОҚЛАШИ КЕРАК

(Боши 1-бетда)

Муйноқ шаҳридаги балиқ комбинатининг шундоққина биқинига бундан 35 йиллар олдин катта-катта теплоходлар келиб лангар ташлагани, денгиз шовуллаб, унинг тўлқинлари қирғоққа шиддат билан урилганига бугун ишониш қийин, албатта. Ўшанда довруғи довон ошган энг йирик балиқчилар шаҳри Муйноқни уч томондан ўраб олган Орол денгизининг сув ҳажми 1 066 куб километр бўлиб, атрофларидаги кўлларда бир миллионга яқин қимматбаҳо олтин каламуш (ондатра) боқиларди, йилига 500 минг центнер балиқ овланар, бикри (осотра) балиғининг шуҳрати кўпчиликни ром ҳам қилганди. Орол балиқчилик ва кема қатнови манбаи бўлиш билан бирга катта минтақанинг ўзига хос ҳаво созлагичи, шимолдан жанубга ўтган қушларнинг тўхтаб ўтадиган энг улкан бекати, ҳордиқ чиқазувчи ўзига хос маскани эди. 60-йилларда Амударё ва Сирдарёдан Оролга ҳар йили 60 куб километр чучук сув келиб тушар эди.

Экологик офат 70-йиллардан бошланди. Ҳа, уни замин фарзанди — инсон вужудга келтирди. 1984-1985 йиллари денгизга бир томчи ҳам сув келиб тушмади. Кейинги йиллари ҳам аҳвол ўзгармади. (Бу рақамлар хизмат тақозоси билан тутилган ён дафтарларимда қайд қилиб қўйилган экан). Шундай қилиб, денгиз соҳилдан 120 километргача тортилиб, катта ва кичик Оролга бўлинди. Биз Жанубий Орол денгизини эътиборга олдик. Шимолий Оролда, яъни Аралск шаҳридан денгиз 50 километргача тортилиб кетганини 1995 йили бу шаҳарга борганимизда гувоҳ бўлган эдик. Табиийки, булар жуда хунук оқибатларга олиб келди. Сувнинг тузлилиги кескин ортди. Оролнинг экологик жиҳати бузилиб, наботот ва ҳайвонот оламининг 200 дан ортиқ тури йўқолиб кетди. Денгизда балиқ овлаш бутунлай тўхтатилди. Суви қуриган денгиз тубида 3 миллион гектарлик Оролқум пайдо бўлди. Энг ачинарли жиҳати шундаки, Қизилқум, Қорақум, Оролқум, Устюрт сахроси бир-бирига қушилиб кетишдек хавф инсониятга таҳдид солмоқда.

Экологик офатнинг олдини олиш бўйича том-том қоғозлардан иборат қарорлар чиқди, тадбирлар ишланди, аммо фақат қоғоз билан Орол денгизини тўлдириб бўлмайди-ку! Кечагидек эсимда, 80-йилларнинг охирида собиқ КПССнинг энг катта раҳбарларидан бири Егор Кузьмич Лигачьев Орол ҳавзаси муаммоси билан яқиндан танишиш мақсадида Нукусга келди. Ушандаги дабдабаларни қўрсангиз энди. Лоф эмас, ҳар беш метрда бир осойишталик посбонлари — милиция ходими ғоз туриб 4-5 соатча кутиб қолишди. Юқори мартабали партия раҳбари келди-ю кетди. Бироқ натижа бўлмади, Орол денгизига наф келмади.

Орол денгизи минтақасидаги аҳоли: «Денгизимни қайтиб бер!» — деганича қолаверди.

Худога минг бора шукурлар бўлсинки, ҳақ ўз жойида қарор топаяпти. 1991 йил 31 августи нурафшон тонги билан бирга мамлакатимиз ҳақиқий мустақиллигининг қуёши балқиди! Республика Президенти Ислом Каримов Орол денгизи қуриши оқибатида юз берган экологик офатнинг олдини олиш учун жон куйдирмоқда. Жаҳон халқларининг эътиборини ана шу муаммога қаратмоқда. Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Орол муаммоларига бағишланган Нукус, Ташҳовуз, Қизил Урда учрашувлари бўлиб ўтди. 1995 йил 20 сентябрда БМТ ҳамжамияти халқаро Нукус конференцияси ўтказилди. 1997 йил 27 февралда Алмати шаҳрида бўлган учрашувда бешта давлат раҳбарлари ғоят муҳим Декларация қабул қилишди. Орол фожиаси оқибатларини бартараф этишга алоҳида ҳаракат шу кеча-кундузда ҳам изчиллик билан олиб борилаяпти. Бу ҳаракатнинг бошида Оролни қутқариш халқаро жамғармасининг раиси сифатида мамлакатимиз Президенти И.Каримов турибдилар.

Шубҳасиз, И.Каримов даъвати, жаҳон ҳамжамияти эътиборини тортиши оқибатида бу минтақага беҳисоб ва беғараз кўмаклар келтирилди. Фақат ўтган ойнинг ўзидагина Америка халқи томонидан 370 тонналик, умумий нархи 10 миллион АҚШ доллари қийматидаги дори-дармонлар, тиббий асбоб-ускуналар келтирилди.

Афсуски, ана шундай инсонпарварлик ёрдамларининг ўз эгаларига етиб боришида ҳам пала-партишликлар, ошна-оғайнигарчиликлар, суъиистеъмолчилик юзага келди. Бу ҳақда муйноқлик балиқчи-ю, нукуслик қурувчи, эликқалъалик деҳқон, қунғиротлик геолог, бўзатовлик чорвадор баралла норози бўлган ҳолда айтабошлади. Бу камчилик ва нуқсонларни таг-томири билан йўқотишга ҳам мамлакатимиз Президенти ёрдам қўлини чўзди. Юртбошимиз Қорақалпоғистон Жўқорғи Кенгесининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқида батафсил ҳаққоний баҳо бериб шундай деди: «Қорақалпоғистонга 1991 йилдан бери халқаро жамғармалар томонидан келаётган инсонпарварлик ёрдамининг на учини, на охирини топиб бўлади. Аҳоли орасида эса, келган дори-дармонлар, тиббий анжомларнинг нотўғри тақсимланаётгани, муҳтож аҳолига етиб бормаётгани норозиликларга сабаб бўлмоқда. Бундай ҳолга чек қўйиш керак. Айниқса, ЭКОСАН жамғармаси раҳбарияти ана шундай ҳақли эътироздан тегишли хулоса чиқариб олмоғи керак».

Тўғри, «Экосан» халқаро жамғармаси, жамғарма раиси профессор Ю.Шодиметов раҳбарлигида зудлик билан махсус миссия тузилиб, Нукусга, ундан кейин Муйноқ шаҳрига етиб келди. Миссия билан бирга 60 минг АҚШ доллари қийматидаги ҳар хил ғоят зарур дори-дармонлар, тиббий ускуналар келтирилди. Шу йил 26 июль куни экологик офат маркази Муйноқ шаҳри аҳолиси билан учрашувда «Экосан» жамғармаси миссияси вакиллари бир неча фойдали тадбирларни амалга ошириш режасини билдиришди. Жумладан, бир пайтлар 48 та балиқ маҳсулотлари ишлаб чиқарган, шу кунга келиб эса тўхтаб қолиш хавфи таҳдид солаётган «Муйноқбалиқ» консерва комбинатини реконструкция қилиш, бу ерда хорижий технологияларни ўрнатиш, хомашё билан таъминлаш масаласи ҳал этилади.

Шаҳарда 20 минг аҳолини тоза ва сифатли ичимлик суви билан узлуксиз таъминлайдиган қудратли ускуна ўрнатилади.

Шунингдек, аҳолини, айниқса оналар ва болаларни озиқ-овқат, дори-дармонлар билан таъминлаш давом этади.

Муйноқ шаҳри аҳолиси бир нарсадан мамнун бўлишди. Шу куни келтирилган инсонпарварлик ёрдами ўз эгаларига етказилди. Кечроқ бўлса ҳам ҳақиқат қарор топиб, бу борада юз бераётган ярамас ишларга барҳам берилди.

Ҳақли савол туғилади, ана шундай кундалик ишларни виждон буюргандек бажаришда, экологик офатдан азият чекаётганлар ҳақига хиёнат қилувчилар илдизига болта уришда наҳотки, ҳамиша мамлакат Президенти аралашиши лозим булаверса! Ахир, ҳар ким ўз ишини билиб адо этса, нур устига аъло нур эмасми?

Экологик офат нафақат Муйноқу Бўзатовда, Тахтакўпиру Қунғиротда, Чимбойу Қораўзакда... юз бергани йўқ. У Мангитда ҳам, Хоразму Тошҳовузда, Аралск ёки Қизил Урдада, хуллас, Оролбўйи минтақасининг барча бурчакларида аҳоли саломатлигига путур етказмоқда. Бунинг олдини олиш учун баъзи аҳоли яшаш пунктлари ва шаҳарларда қўқаламзорлаштириш, ободонлаштириш ишларига, санитариягигиена ва эпидемиологик вазиятни соғломлаштиришга қаратилган бир қатор тадбирлар амалга оширилаётгани, ҳеч шубҳасиз, яхши. Бироқ бу ишларнинг ҳаммаси ҳам Оролни қутқариб қолишга қодир эмас. Бунинг учун Орол денгизига Сирдарё ва Амударё сувларининг бир қисмини қайтариш керак. Бу эса, ўз навбатида, Ўзбекистон, Қозоғистон, Туркманистон, Қирғизистон ва Тожикистон ўртасида сувдан оқилона фойдаланиш бўйича келишувга эришишни тақозо этади.

Ҳозир Нукус шаҳрида 235 минг киши яшайди, бу бутун Қорақалпоғистон аҳолисининг 20 фоизини ташкил этади. Шаҳарда 586 километрлик 496 та кўча бор. Шундан 375 километри асфальтланган, холос. 307 километрлик сув тармоқлари, 421 километрлик канализация аҳолига хизмат кўрсатмоқда. Лекин шаҳарда тозалик ва ободонлаштириш ишлари талабга жавоб бермайди. Сўнгги пайтда бир қатор мавзелардаги турар жойларнинг 4-5 қаватларига ичимлик суви чиқмаяпти. Кўчалар, ҳовлилар ифлос. Ирригация тармоқларининг кенгайтирилишига ва ариқларни сув билан етарли даражада таъминлашга эътибор кам. Шу боис қўқаламзорлаштириш ишлари талабга жавоб бермаяпти. Ўнгир-чўнгир кўчаларга ётқизилган бир неча юз минглаб туп кўчатлар амал олмай қуриб қолади.

Шаҳар эгаллаган 12 минг гектар майдонга атиги 14 километрлик дренаж тармоқлари хизмат кўрсатади. Шу сабабли ер ости сувлари ҳаддан ташқари кўтарилиб, дарахтлар қурий бошлади, иморатлар пойдеворлари нурамоқда.

— Бунинг олдини олиш учун ҳар йили камида 5 километрлик дренаж қуриб бориш керак, — дейди Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси Темур Камолов. — Ана шундагина ер ости сувларини қочириш мумкин.

Қорақалпоғистон раҳбари шаҳарда янги маданият ва истироҳат боғлари барпо этиш ҳам кун тартибидаги муҳим масала эканлигини таъкидлади.

Шаҳарда аҳолини зарур товарлар билан таъминлаш манбаи — бозорлар фаолияти ҳам мутлақо талабга жавоб бермайди. Шаҳарда 12 та деҳқон бозори бор, деб қайд қилинган. Аслида уларнинг мутлоқ кўпчилиги номигагина бозор мақомини олган, холос. Аслида икки, уч кўчанинг чорраҳасига жойлашган, уч-тўртта дўконча келтириб ўрнатилган майдонлар ҳам бозор ҳисобига кириб кетаверган.

Ҳозир Қорақалпоғистон Жўқорғи Кенгесининг қатъий талаби ва кўрсатмалари асосида Нукусда ободонлаштириш ва қўқаламзорлаштириш ишларига жиддий киришиб кетилди. Шаҳар ҳудуди 65 та шўъбага бўлиниб, ҳар бирига алоҳида-алоҳида масъул мутасаддилар тайин этилди.

Демак, замин фарзанди — инсон қўли билан жуда кўп ибратли, савобли, фойдали ишларни бажариш мумкин экан-да! Ишончим комилки, ҳазрати инсон табиатнинг ажралмас бир бўлаги эканлигини ҳамиша ёдда тутиб, она заминнинг бегуборлиги учун ҳамиша жон куйитаверади.

Абду РАҲМОН,
«Ишонч» мухбири

Қарши шаҳридаги «Баққоллик» улгуржи савдо базаси 1993 йилда ҳиссадорлик жамиятига айлантирилган эди. Шундан кейин жамият фойда берувчи бўлди. 1997 йилнинг олти ойида 14 миллион сўмдан ортиқ фойда кўрди. Суратда: жамият раиси (чапдан) Зокир Қиличев, бош ҳисобчи Зокир Жўраев ва товаршунослар Тамара Аркатова, Абдусамат Сафаровлар

БИЗДАН СЎРАБСИЗ

Саволларга ҳуқуқшунос Забиҳилло Муҳаммаджонов жавоб беради.

— Мен пахтакор — колхозчи аёлман. Илгарироқ пенсияга чиқишим мумкинми?

Сурайё МУСАЕВА,
Наманган вилояти.

— Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 1 июлдаги кучга кирган пенсия тўғрисидаги қонунига асосланиб, сизнинг узлуксиз колхозчи — пахтакор стажингиз 25 йилни ташкил этса, 50 ёшдан пенсия тайинланади.

* * *

— 10 та болани туғиб тарбиялаганим учун давлат мени «Қаҳрамон она» унвони билан тақдирлаган эди. Ана шу фахрий унвон учун уйимга газ, электр учун ҳақ тўлашда имтиёзлар борми?

С. ҲАМИДХУЖАЕВА,
Самарқанд вилояти.

— Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларида қаҳрамон оналарга газдан ва электрдан фойдаланишда имтиёзлар кўзда тутилмаган.

* * *

— Менинг олти нафар фарзандим бор. Ёшим 50 да. Қарилик пенсиясига чиқишим мумкинми?

Лола МУҲАМЕДОВА,
Бухоро вилояти.

— Ўзбекистон Республикасининг пенсия ҳақидаги қонунига биноан 5 ёки ундан ортиқ фарзандларни 8 ёшдан ошиққача тарбия қилган аёлнинг ёши 50 га тўлган булса, албатта, қарилик пенсиясига чиқиши мумкин.

* * *

— Никоҳни бекор қилиш учун давлат божи ошганлиги ҳақида маълум қилинди. Шу ҳақда билмоқчиман.

Маъруф САМАДОВ,
Фарғона вилояти.

— Агар биринчи марта ажралиш булса, энг кам иш ҳақининг тенг ярми, иккинчи борадаги ажралиш булса, шунга яна 5 фоиз қўшилади. Шу тарзда давлат божи белгиланган.

* * *

— Мен икки йил чет элга хизмат юзасидан кетиб, шахсий машинамни қўшнимга тилхат орқали боғлиқ тарзда топшириб кетганман. Яқинда ишларимни тугатиб, қайтиб келдим. Бугунги кунда Қўқонда яшаяпман. Энди машинамни талаб қилсам, олган шахс қайтариб беришдан бош тортаяпти. Маслаҳат беринг.

Жўра САТТОРОВ,
Қўқон шаҳри.

— Аввало бу шартномани муҳрдорлик идораси (нотариус) орқали ёзма равишда қонунийлаштириш зарур эди. Энди бу тарзда қонунлаштирилмаган экан, навбатдаги ишингизни жавобгар яшаётган туман судига даъво аризаси ёзиб, улар билан бамаслаҳат иш тутиб, ҳал қилишингиз мумкин.

* * *

— Яқинда «Соғлом авлод учун» ордени билан мукофотландим. Менга шаҳар ичидаги транспортдан фойдаланиш имтиёзлари борми?

Муртазо САФОЕВ,
Наманган вилояти.

— Бир ёки икки «Соғлом авлод учун» орденига сазовор булган ҳар қандай фуқаро шаҳар транспортида, яъни трамвай, метро, автобус, троллейбус хизматидан (таксидан ташқари) бепул фойдаланиши мумкин.

ЎРИК ТЕРИМИ ҚИЗҒИН

Ҳозирги кунда Тошлоқ туманининг қайси хўжалигида булманг, ҳаммаёқда меваларнинг пишиб етилаётганини кўриб, дилингиз қувнайди. Тумандаги Шерматов номли жамоа хўжалигида 41 гектарли боғ мавжуд. Олимжон ота Қучқоров етакчилик қилаётган 5 гектарлик ўрикзорда ҳосил қип-қизил булиб етилди. Пишиб етилган ўрикларни несобуд қилмай териб, давлат қабул пунктларига топшириш ишлари жадаллик билан олиб борилаяпти. Бу ишда Аҳмаджон, Баҳодир Қучқоров, Муножотхон, Минавархон, Ферузахон Қучқоровалар жонбозлик кўрсатишмоқда. Жамоа хўжалиги аъзолари бу йил давлатга 20 тонна ўрик топшириш йўлида ҳормай-толмай меҳнат қилишяпти.

Аҳмаджон ТУХТАСИНОВ.

Ўзбекистон мустақиллигининг олти йиллигига

ҚУШ БАЙРАМ МУНОСИБ НИШОНЛАНАДИ

Қорақалпоғистон республикасидаги Элликқалъа тумани меҳнаткашлари бу йил қуш байрамни нишонлашади. Яъни, қурик бунёдкорлари мамлакат мустақиллигининг олти йиллиги билан бирга йирик Элликқалъа массиви ўзлаштирила бошланганининг чорак асрлик, туман ташкил топганининг 20 йиллигини нишонлайдилар. Шу муносабат билан Бўстон шаҳри ва аҳоли яшаш пунктларида ўнлаб юбилей иншоотлари қурилмоқда. Улардан энг йириги-мусиқа мактаби ва киноконцерт залидир. Бу бино лойиҳаси Тошкент шаҳридаги Халқлар Дустлиги саройи биносига бевосита ўхшаш ҳолда миллий анъаналар асосида тезкорлик билан қурилмоқда. Иншоатда ҳар куни 75-80 қурувчи уч сменада фидокорона меҳнат қилмоқда. Бунёдкорлик ишлари «Оролсувқурилиши» ҳудудий бирлашмасига қарашли «Бўстонсувқурилиши» бошқармасининг 1-Окчақўл қўчма механизацияштирилган жамланмаси томонидан сифатли равишда бажарилмоқда.

— Бу муҳим иншоотни тезроқ фойдаланишга топшириб, туйларга муносиб тўёналар билан бориш жамоамиз аъзоларининг эзгу мақсадидир, — дейди қўчма механизациялаштирилган жамланма бошлиғи Улмекен Дусқалиева. — Бунинг учун бир неча юз миллион сўмлик қурилиш монтаж ишлари бажарилади. Шуниси қувонарлики, иншоатда ишларнинг бир маромда боришида туман ҳокими А. Тожиев ва касаба уюшмалари мувофиқлаштирувчи туман кенгаши раиси С. Айтбоевларнинг ташаббуси билан халқимизнинг азалий анъанаси — хашар ҳам кенг йўлга қўйилди.

Айниқса ҳозирги мураккаб бозор муносабатларига ўтиш шароитида жуда қўплаб корхона, муассасалар, деҳқон — фермер хўжаликлари уюшмалари етарли миқдорда озиқ-овқат, сархил мевалар билан узлуксиз таъминлаётгани кучимизга куч қўшаётир.

... Тумандаги юбилей иншоотларидан яна бири — Сарибий овулидаги автомабилшоҳ бекати биноси ҳам кун сайин қад ростламоқда. У фойдаланишга топширилгач, соатига 50 йўловчига хизмат кўрсатилади.

А. ИСКАНДАРОВ,
«Ишонч» мухбири

Инсон манфаатлари йилида

«ҚИЛҒИЛ ЯХШИЛИК»

Чотқол тоғларининг ғарбий қисмлари бўлган Боботоғ этакларида, денгиз сатҳидан 1550-1600 метр баландликда жойлашган «Янгиобод» туристик базасида вилоятимизнинг Бўка ва Ангрен шаҳарларидаги «Меҳрибонлик уйи»ларининг 290 боласи дам олмоқда.

«Инсон манфаатлари йили»да вилоят уюшмалари ушбу савобли ишга 3,6 млн. сўм маблағ ажратди.

Тоғ ёнбағрида, экологик жиҳатдан тоза турли-туман дарахтлар билан ўралган хушманзара табиатли бу масканда болалар турли-туман ўйинлар ўйнаш, атроф муҳит билан танишиш, шифобахш ўтларни йиғиш билан биргаликда, хилмахил мазмунга эга бўлган кечалар, учрашувлар, мусобақалар орқали ўзларини маънавий дунёқарашларини бойитмоқдалар.

«Меҳрибонлик уйи» тарбияланувчилари бир-бирилари билан «Балли қизлар», «Қувноқ стартлар», «Ўткир зеҳнлилар» каби мусобақалар ўтказиб ўз билимлари, зеҳнлари, топқирликлари ва чаққонликларини намоён қилмоқдалар.

Туристик базанинг кутубхонасига аъзо бўлишиб, турли китоблар ўқиш билан биргаликда, китобхонлик анжуманлари ўтказмоқдалар.

Касаба уюшмалари ҳаётидан

ВАЗИФА: ИНСОНГА ҒАМХЎРЛИК

«Ўздеҳқончиликқурилиш» 20-трест ҳиссадорлик жамияти бирлашган касаба қумитаси ҳисобида 2179 нафар касаба аъзолари бўлиб, улар 22 та бошланғич касаба уюшмалари ҳисобида туриб бошқарув ҳамда қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишда фаолият кўрсатмоқдалар.

Жамият бирлашган касаба қумитаси ва унинг жойлардаги касаба уюшмалари аъзоларини соғлом бўлиб, самарали меҳнат қилишлари учун барча қулай шароитларни яратишга ҳаракат қилишяпти. Жумладан, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводида меҳнат қилаётган қурувчилар кўнгилли ҳорлиқ чиқариб, дам оладиган турар жойлар, ҳамда бошқа қулайликлар билан таъминланганлар. Бундан ташқари, маданий-маърифий тадбирлар ўтказилаётир. Илғорлар моддий рағбатлантирилмоқда. Физкультура ва спорт ишлари яхши йўлга қўйилган. Ўтган 1996 йилда жамоа шартномасида кўрсатилган шартлар тўлиқ бажарилди. Бунинг учун режадагидан 45 минг сум зиёд, яъни 410 минг сумлик касаба туловлари туланди. Шунингдек, бултур 21 кишига республикамиз ҳудудидаги санаторий ва дам олиш уйларига йўлланмалар берилди.

Инсон манфаатлари йилида ҳиссадорлик жамияти ва бирлашган касаба қумитаси ҳамда уюшмалари ўртасида жамоа шартномаси тузилиб, ўтказиладиган тадбирлар устидан доимий назорат олиб борилмоқда. Касаба уюшмалари фаоллари сай-ҳаракати ва ҳиссадорлик жамияти маъмуриятининг қўллаб-қувватлаши боис миллий байрамимиз «Наврўз», шунингдек, «Ғалаба» байрами муносабати билан кам таъминланган оилалар, уруш ва меҳнат фахрийлари ҳамда байналминалчи жангчилар нафақахўрларнинг ҳар бирига 500 сўмдан ёрдам кўрсатилди.

Жорий йилнинг ҳозиригача 17 киши санаторий ва дам олиш уйларида саломатликларини тиклаб қайтишди. Ҳиссадорлик жамиятининг «Олтин балиқча» болалар богчаси қурувчи-монтажчилари кичкинтойларини яйраб, соғлом ўсишлари йўлида намунали хизмат қилмоқда. Қурувчиларнинг бир қисми Бухоро шаҳрида ободонлаштириш ишлари ва ёдгорликларни таъмирлашда, қолганлари эса туманлардаги қурилиш ишларида иштирок этмоқдалар. Яқинда Пешқу туманининг «Туркистон» жамоа хўжалиги ҳудудида 422 ўринли мактаб қуриб фойдаланишга топширилди. У ҳиссадорлик жамияти раиси Усмон Ғиёсовнинг таклифи билан илғор тажриба мактабига айлантирилди. Таклифни касаба уюшмалари вилоят кенгаши раиси Шариф Хайруллаев қўллаб-қувватлади. Буни айтишимдан мақсад шуки, илғор тажриба мактаби қурилишида бутун бошланғич касаба уюшмалари гипт терувчиларининг мусобақаси уюштирилди. Мусобақада 120 нафардан ортиқ қурувчи иштирок этди. Улар касаба уюшмалари вилоят кенгаши томонидан 3 маҳал бепул иссиқ овқат, чой, мевасабзавот маҳсулотлари билан таъминландилар. Ишнинг тез ва сифатли бажарилиши ҳам шунга яраша бўлди. Натижада 15 кунга мўлжалланган мактаб қурилиши 8 кунда ниҳоясига етказилди. Бугун Олотдаги 4, Қорақўлдаги 3- ҳамда Галаосиёдаги 2-қўчма механизациялашган жамланмаларнинг қурувчилари пешқадамликни қўлдан бермадилар. Голибларни рағбатлантириш учун касаба уюшмалари вилоят кенгаши, 20-трест ҳиссадорлик жамияти ҳамда жамият бирлашган касаба уюшмалари қумитаси 50 минг сум пул ва қимматбаҳо совғалар ажратди. Улар ўз эгаларига топширилди. 4 нафар қурувчига эса санаторийга бепул йўлланма берилди.

Эришаётган ютуқларимиз қаторида камчиликларимиз, ҳал этилиши лозим булган муаммоларимиз ҳам мавжуд, албатта. Булардан бири маблағ муаммоси. Бунга сабаб буюртмачилар бажарилаётган қурилиш — монтаж ишлари учун ҳақни ўз вақтида туламаётганликларидир. Бу эса ўз навбатида қурувчилар маошларини етказиб бера олмаслигимизга сабаб бўлмоқда. Шунингдек, қурувчилар махсус кийимлар билан етарли миқдорда таъминланмаганлар. Уларга ўз вақтида пархез таомлар, сут ва қаймоқ маҳсулотлари берилмаётир. Айтиш жоизки, ҳиссадорлик жамияти маъмурияти ҳамда касаба уюшмалари қумитаси қараб тургани йўқ. Ҳамкорликда бу камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирларини излаятмиз.

Муяссар ШАРОПОВ,
Ҳиссадорлик жамиятидаги касаба уюшмаларини бирлаштирувчи қумитасининг раиси.

Давр, олға бос!

ИСЛОҲОТЛАРДАН ХОЛИ ОРОЛДА ЯШАМАЙЛИК!

Республика Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Сирдарё вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи, вилоят ҳокимининг ўринбосари Фатҳиддин Қутбиддинов билан суҳбат

— Фатҳиддин Қутбиддинович, иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда туб бурилиш даври бўлган 1996 йил Сир бўйидаги тадбиркорлар ҳаётида қандай из қолдирди?

— Иқтисодиётимизнинг замонавий тамойиллар асосида ислоҳ қилинишида хусусийлаштириш жараёнларининг аҳамияти катта бўлаётгани шубҳасиз. Ўтган йилнинг ўзида вилоятимизда 1280 та кичик ва хусусий корхоналар рўйхатга олинди. Мулклар хусусийлаштирилиши натижасида давлат хазинасига 42683 минг сўмлик пул маблағи тушди ёки бу соҳадаги режа вилоятда 110 фоизга бажарилди.

Айниқса, бозор иқтисодиётига ўтишнинг ўзига хос шаклларидан бири бўлган қимматбаҳо қоғозлар бозори анча жонланди. Йил давомида 118500 минг сўм ўрнига 157702 минг сўмлик акциялар сотилди. Акциядорлик жамиятлари сафи ўсиб, ҳозирги кунда 238 тага етди. Тадбиркорликни ривожлантириш учун албатта уларни етарли даражада маблағ билан таъминлаш зарур. Бу борада вилоят «Бизнес-Фонди» катта ишлар қилмоқда. Утган йилда тадбиркорликни ривожлантириш учун 64,1 миллион сўмлик кредит ажратилган. Бу маблағлар асосан деҳқон фермер хўжалиги, маҳаллий саноатни ривожлантириш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш, қурилиш материаллари тайёрлаш ва маиший хизмат турларини такомиллаштиришга сарфланди. Кредит маблағларининг айнан мана шу тармоқларга кўпроқ ажратилишидан бош мақсад эса аҳоли турмуш даражасини яхшилаш орқали кичик ва хусусий тадбиркорликни тараққий эттиришдир.

Чунки, халқнинг ижтимоий муаммолари биринчи навбатда ҳал қилинадиган бўлса, улар орасида кичик тадбиркорлик билан шуғулланадиганлар қатлами ҳам кенгая бораверади.

Республика Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 27 декабрдаги «Хусусийлаштириш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш жараёнини янада ривожлантириш тўғрисида»ги қарори ислоҳотлар суръатини бирмунча жадаллаштиришга хизмат қилаётир. Чунончи шу йилнинг дастлабки чорагида давлат тасарруфида бўлган 9 та объектнинг мулкчилик шаклини ўзгартириш кўзда тутилган эди.Шундан 7 таси хусусий мулкчиликка, 2 таси бошқа турдаги хўжалик юритиш шаклига айлантирилди. Шу даврда 15 та ким ошди ва 11 та биржа савдолари ўтказилди.Сотилган кўчмас мулкларнинг умумий қиймати 32146,6 минг сумни ташкил этади.

— Ислоҳотлар йўлида учраётган муаммолар асосан қандай хусусиятга эга, камчиликлар борми?

— Агар иқтисодий ислоҳотларнинг талаб ва масъулияти ҳамма жойда бирдек ҳис этилганда, ютуқлар салмоғи янада кўпроқ бўлиши муқаррар эди. Афсуски, ҳали ҳам айрим туман ва шаҳарларимизда бу борада сусткашликлар сезилмоқда. Вилоятимиз бўйича хусусийлаштириш ва мулкни давлат тасарруфидан чиқариш борасидаги қарзлар 415,0 минг сумни ташкил этмоқда. Бундай қарздор ташкилот ва корхоналар Гулистон шаҳри ва Ш.Рашидов туманларида кўпроқ. Баҳт ва Ширин шаҳарлари, Гулистон, Меҳнатобод ва Мирзаобод туманларида ўтган чоракда бир дона ҳам акция сотилмагани ачинарли ҳолдир. Акциялар сотиш Янгиер ва Гулистон шаҳарларида, Сайҳунобод ва Ш.Рашидов туманларида ўта сусткашлик билан олиб борилмоқда. Номлари тилга олинган шаҳар ва туман ҳокимлари ислоҳотлар масъулиятини чуқур ҳис этиб, ўз ишларида бурилиш ясашлари даркор.

Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришни тезлатиш, хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш дастурларининг бажарилиши айрим туманларда қоғозбозликка қолиб кетмоқда. Шу кунгача Гулистон, Меҳнатобод, Сирдарё, Ховос ва Ш.Рашидов туманлари, Гулистон, Баҳт шаҳарлари ҳокимликларида хусусийлаштириш бўлимлари тузилмаган. Бу албатта мазкур ҳудудларда иқтисодий ислоҳотларни давом эттиришга салбий таъсир кўрсатмоқда. Айрим ҳудудларда шу пайтгача иқтисодий ислоҳотларни ўтказиш, қимматли қоғозлар бозорини ташкиллаштириш, кўчмас мулк савдоларини ўтказиш ва бошқа масалалар бўйича аниқ масъул ходимлар тайинланмаган. Бу каби камчиликларни тугатмасдан ислоҳотларда олға силжиш мумкин эмаслигини наҳотки ҳокимлар ёддан чиқарган бўлишса? Бу ҳудудлар ҳудди республиканинг ислоҳотлар бўйича олиб бораётган сиёсатидан ажралган ҳолда яшаётгандек туюлади, кишига.

Олинган кредитларни ўз вақтида қайтармаслик ҳам кун тартибида турган муаммолардан биридир. «Янгиер балиқ», «Пахтакор» ширкатлар уюшмаси, «Темур», «Азиза», «Хумоюн» кичик корхоналари иш фаолияти урганиб чиқилиб, кредитларни ўз вақтида тўламаганликлари сабабли «Азиза» ва «Хумоюн» кичик корхоналари бўйича ҳужжатлар ҳўжалик судига ўтказилди.

— Тадбиркорликни кредитсиз тасаввур қилиш қийин. Уларга кредит ажратишнинг ҳолати қандай?

— Тадбиркорларимиз у ёки бу маҳсулот ишлаб чиқариш учун ажойиб бизнес-режалар билан майдонга чиқмоқдалар. Вилоят бизнес маркази тизими томонидан жорий йилнинг биринчи чорагида 17850,0 минг сўмлик 8 та бизнес-режа тузилди. Ҳозирги кунгача вилоят бизнес-фонд бошқармасига тақдим этилган 15 та бизнес режага 20235 минг сўмлик редит ажратилди ва 3 та аввал кредит линиялари очилган бизнес-режалар бўйича 1365 минг сўм берилди, шундай қилиб жорий йилнинг ўтган даврида жами 21,6 млн. сўм имтиёзли кредит маблағлари берилди. Вилоятимизда бизнесменларни тарбиялаш ва уларнинг малакасини оширишга эътибор кучайтирилиб, Гулистон Давлат университети қошида бизнес мактаб ва Гулистон бизнес инкубатори мунтазам фаолият кўрсатмоқдалар.

— Вилоятга чет эл сармояларини жалб этиш ишлари қандай бормоқда? Чет эл инвесторларининг сирдарёлик тадбиркорлар билан ҳамкорлик қилишлари учун ишончли замин ҳозирланганми?

— Чет эллик ишбилармонларнинг Сир бўйидаги тадбиркорлар билан ҳамкорлиги чуқур илдиз отмоқда. Вилоят ҳудудида Давлат мулки ҳудудий бошқармасининг назоратидаги 9 та низом жамғармасида чет эл сармоядори булган қўшма корхоналардан ҳозирги пайтда «Сирдарё», «Лочин», «Узалтайтрактор», «Узросавтокран», «Рубин» ва «Янгиер Лада» қўшма корхоналари фаолият юритмоқда. 10 та қўшма корхоналарда инглиз ва рус тилларида инвестицион лойиҳалар тузилиб, китобча ҳолига келтирилди. Гулистон шаҳридаги Бизнес марказ қошида чет эл инвесторларини жалб этиш мақсадида вилоят корхоналарида ишлаб чиқилган маҳсулотларнинг намуналаридан доимий равишда кўргазма ташкил этилятти.

Йил бошида вилоятимизда ўтказилган халқаро семинарда турли фондлар, фирма савдо-саноат палаталари ҳамда чет эл элчихоналаридан вакиллар иштирок этишди. Чет элликлар вилоятимиздаги катта саноат хом ашёсига қизиқиш билан қарамоқдалар. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, айниқса, пахтани қайта ишлаш уларнинг асосий диққат марказида турибди. Бу борада АҚШ, Англия, Франция, Голландия, Россия каби давлатлар ҳамкорликни бошлаб юбордилар. Гулистон пойафзали акционерлик жамияти базасида Францияннинг «Алфа» фирмаси билан низом жамгармаси 1 миллион 200 доллар миқдоридаги таъсис шартномаси имзоланиш арафасида турибди. Улар келгусида болалар оёқ кийими ишлаб чиқаришни йўлга қўядилар. Яна шу «Алфа» фирмаси «Боёвут-1» да қурилиши тугалланмаган иншоот базасида кенг кўламда ип йигирув фабрикаси қуришни мўлжалламоқда. Унда калава, иплар тайёрланади. Мехнатобод туманида эса Германиянинг «Грамвей» фирмаси ҳамкорлигида ҳамда «Меҳнатобод» ҳиссадорлик жамияти билан биргаликда пахтани чуқур қайта ишлайдиган фабрика қуриш мўлжалланган.

Бир сўз билан айтганда, чет эллик тадбиркорлар билан алоқамиз кун сайин мустаҳкамланмоқда. Қўшма корхоналар сони вилоятимизда йигирматадан ошиб кетди. Англия саноатчилари юзга яқин фирма дуконлари очишни мўлжалламоқдалар. АҚШнинг ишбилармон доиралари қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва уни қайта ишлаш, паррандачиликни ривожлантириш борасида ҳамкорлик лойиҳаларини таклиф этмоқда. Буларнинг барчаси биз учун қувончли ҳолдир. Қўшма корхоналар фаолияти жонланса, вилоятимизга четдан маҳсулот келиш камаяди, ўзимизнинг рақобатбардош маҳсулотларимиз эса экспортга жўнатилади. Бунга иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш борасида олиб борилаётган изланишларимизнинг самараси деб қарамоқ керак.

Суҳбатдош: А.СОДИҚОВ

ВАТАНИМ-ПАНОҲИМ, САЖДАГОҲИМ

Ўзбекистон мустақиллигининг 6 йиллигига

ҒОЗИ ЮНУС: «ТАРАҚҚИЙДА ЖАВЛОН УРГАЙ БИЗНИНГ МИЛЛАТ»

Узбек маданияти тараққиётига, Узбекистонда матбаачилик ривожига катта ҳисса қўшган атоқли драматург, шоир, адиб, журналист Ғози Юнус ҳам бизга бой маънавий мерос қолдирди.

У Тошкентда Учинчи Оҳунгузар маҳалласида бинокор уста оиласида дунёга келди. Бўлажак ёзувчининг отаси ҳам, онаси ҳам уқимишли зиёлилардан бўлиб, тўрт ўғил кўрганлар ва ҳаммасини ҳам илмли кишилар қилиб ўстиришга ҳаракат қилганлар...

Ғози Юнус бошланғич маълумот олгач, Тошкентдаги Бароқхон мадрасасида уқишни давом эттиради ва уни битиради. Мадрасада уқиш йиллари Ғози Юнус араб, форс ва туркий тилларни мукаммал ўрганади, Шарқ мумтоз адиблари ижодиёти билан танишади, адабиётга ҳавас қўяди... 1905 йилдан бошлаб Ғози Юнус шеърлар ёзишга киришган. 1917 йилда Ғози Юнус туҳмат туфайли қамалади ва бир оз муддатдан кейин оқланиб, озод бўлади. У Компартия ва Шуро ҳукумати қамоғида кўрган—билганлари, шахсий кечинмалари, таассуротларини қоғозга тушириб, «Турма хотираси» номли йирик бир шеърий асар ёзади. Бу асар 1918—1920 йилларда икки марта нашр қилинган. Асар Абдулла Қодирий номидаги «Мерос» нашриётида қайта нашрга тайёрланмоқда.

1919 йилда «Шарқ» журналининг 8—сонида Ғози Юнуснинг «Турмуш тўлқинлари орасида» сарлавҳали шеъри «Машраб» тахаллуси билан нашр этилган... Ғози Юнус жуда сергайрат, эпчил, ишбилармон, ташаббускор шахс бўлган. Ҳали Октябр тўнтариши бўлмасдан анча илгариёқ Туркистонда босмахона ташкил этиб, китоблар нашр этишни йўлга қўйиш учун 1914 йилларда укаси Файзибой ва яна иккита савдогар дўсти билан узоқ сафарга чиқади. Улар дастлаб Латвия, Литва, Эстонияда буладилар, ундан Петербург ва Финляндияга ўтиб, босмахона учун ускуналар сотиб олишга ҳаракат қилишади. Бироқ, биринчи жаҳон уруши бошланиб қолиб, уларнинг ниятлари амалга ошмай қолади. 1916 йилда Ғози Юнус мардикорликка кетади. Болтиқ бўйи ўлкаларида рота бошлиғи бўлиб ишлайди. У ердан 3—гуруҳ ногирони бўлиб қайтади . 1917 йилда Эшонгузарда «Очларга ёрдам қўмитаси» ташкил этишда фаол қатнашади, унда саркотиб бўлиб ишлайди. Уша йилларда ҳам Ғози Юнус Туркистонда матбуотчиликни ривожлантириш ниятидан қайтмайди. Бугунги кунларда ҳам ишлаб турган — Тошкентдаги биринчи босмахона (Эски Жўва) ишларини йўлга қўйишда Ғози Юнуснинг фаолияти жуда катта. Босмахонанинг ташкилий ишларида шахсан иштирок этиб, узоқ муддат унга раҳбарлик ҳам қилади. Айни даврда машҳур театр ва кино санъати намоёндалари — Уйғун, Етим Бобожон, Аброр Ҳидоятов, Наби Ғаниев ва бошқалар билан ҳамкорликда Карл Маркс театри труппасини ташкил этишда ва унинг амалий фаолиятида қатнашади — роллар уйнайди, шу театрга пьесалар ёзади, саҳнага қўйишда ёрдамлашади. Машҳур кино режиссёри Наби Ғаниев раҳбарлигида тайёрланган «Йигит» кинофильмида бой ролини ижро этган ҳам Ғози Юнус эди.

У 1919—1921 йилларда Ростада муҳаррир, 1920 йил декабрда «Қизил байроқ» газетасида бош муҳаррир бўлиб ишлайди. 1922 йилда Самарқандга бориб, «Зарафшон» газетасини ташкил этади, уни 14—сонигача чиқариб, ишни йўлга қўйгач, Тошкентга қайтади. 1923 йилда «Муштум» журнали ташкил этилгач, унинг биринчи муҳаррири ҳам Ғози Юнус бўлади. Журнални ташкилий ишлари ва кейинги фаолиятларида Абдулла Қодирий ва Комил Алиев ҳам фаол иштирок этишган.

20—30 йиллар давомида Ғози Юнус газета ва журналларда раҳбарлик қилиб туриб, кўплаб мақолалар, тақризлар, фельетонлар, эртаклар, пьесалар ёзади. Форс, турк, озарбайжон, татар, рус тилларидаги асарлардан эркин таржималар қилади. Уларни узбек ҳаёти ва замон талабларига мослаб ишлайди. Унинг шу йўналишда яратилган асарлари нашр этилди ва республикамиз театрларида қўйилди: «Заҳҳоки морон» (1918), «Заҳҳок ва қова», «Бузлайтурғон қўғирчоқ» (1920), «Йўлбосар Алим» (1922), «Исломият уйи» (1922), «Хоннинг севгиси» (1927), «У ерда унақа, бу ерда бунақа» (1927), «Лена жаллодларининг суди» (қўлёзма Ғози Юнусовнинг ўғли Тўлқин Ғозиевда сақланади), «Саводсизлик балоси», «Илмоқ чўмич», (бир пардали кулгули қўлёзма), «Фарзанд дуоси» ва ҳакозо...

Икки оғиз сўз Ғози Юнус ва унинг оиласи бошига қизил империя туфайли тушган фожиалар устида... Ғози Юнусни 1937 йилда «халқ душмани» деб қамашади. Кейин бутун оиласи—ю, қариндош—уруғларига ҳужум бошланади. Узини узоқ Шимолга сургун қилишади. Қамоқ, сўроқ, лагер азобларидан 1942 йил 5 майда Вологодскдаги сиёсий маҳбуслар лагерида у очликдан ҳалок бўлади. Охирги марта — қотган нон ва қуруқ мева юборишларини илтижо қилиб уйидагиларга улимидан сал олдин ёзган сўнгги хати ёдгорлик бўлиб қолди. Рафиқаси Ҳадича ая ҳам «халқ душманининг хотини» деб 37 йилдан 39 йилгача қамалиб, ёш қизлари —болалар колоннасига олиб кетилди... Кейинчалик 1939 йилда уларни болалар қамоқхонасидан бушатишди. Ҳаммалари ёлғиз ўғил —Тўлқин Ғозиев қарамоғида қолишди. Тўлқиннинг ҳам бошига кўп кулфатлар тушган. Иккинчи жаҳон урушида қатнашди, урушдан кейин яна «халқ душманининг ўғли» деб қамоққа олиниб, 25 йилга кесилди, Магадандаги сиёсий маҳбусхоналарга юборилди. Ғози Юнуснинг аёллари Ҳадича ая шунча кулфатларни тортиб — 110 ёшларида яқинда (1994) оламдан ўтдилар, худо раҳмат қилсин... Тўлқин Ғозиев Сталин вафотидан кейин турмадан қутулди. Қурилишларда ишлаб, пенсияга чиқди.

Юқорида Ғози Юнуснинг дастлабки йирик шеърий асари — «Турма хотираси» тўғрисида гапирдик. Туркистон халқлари бошига қизил империя солган кулфатларни ўз ҳаётий тажрибаси мисолида ёзган эди. Унда қизил империя босқинчилари биринчи қадамлариданоқ ерли аҳолидан барча ҳуқуқларини тортиб олгани ва Тошкентда «Московский турма» номи билан машҳур бўлган ҳибсхона даҳшатлари тасвирланади. Қизиғи шундаки, босқинчилар ҳамиша маҳаллий аҳоли орасидан чиққан сотқинларга кўпроқ ишонардилар. Уларнинг барча зулму фитначиликка асосланган мустамлакачилик сиёсатларини амалга оширишда ўз орамиздан чиқиб турадиган хоинлар қўл келиб туради.. Ғози Юнус «Турма хотираси»да шу нуқтага алоҳида аҳамият бериб, эл—юртда тотувлик ўрнатиш йўлларини излайди, одамлар ўртасида дўстона, самимий, имон—эътиқодли алоқаларни йўлга қўйиш гояларини зўр бериб тарғиб қилади. Асарнинг туб моҳиятида — босқинчиларга сотилмаслик лозим, миллатимиз равнақини жаҳон миқёсида ибратли даражага кўтармоқ учун бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилиш зарур, деган гоя ётади.

Ғози Юнус тарихий мавзуларда кўплаб асарлар ёзган. Шулардан бири «Заҳҳоки морон», 1918 йилда ёзилиб, бир қатор театрларда қўйилган ва 1920 йилда нашр этилган. Асар Фирдавсийнинг «Шоҳнома»сидаги бир воқеа заминида яратилади. Асар тож—тахт учун кураш бегона у ёқда турсин, ҳатто ота—бола ўртасида ҳам зиддиятлар келтириб чиқариши ҳақида ҳикоя қилади. Шу муносабат билан адолат ва адолатсизлик муаммолари ўртага қўйилади. Имон—инсофдан айрилиб амалга эришган адолатсиз кимсалар жазога мубтало бўлиши муқаррарлиги асарда чуқур бадиий ифода этилади. Драманинг бош гояси ҳам асли шудир.

Воқеа ярим кечада гўзал бир боғда бошланади. Заҳҳок ёлғиз узи бир дарахт тагида ҳаёл суриб ўтирибди.

Заҳҳок (узи—узига) — Подшоҳ бўлмоқ учун дунёда мен қилмоғон макру—ҳийлалар қолмоғон. Лекин, фойдадурки, халқ Жамшиднинг ўрнига отамни подшоҳ қилиб тожи—шаханшоҳни бошига кийдирди. Халқ эса, отамнинг юритган тўғри сиёсатидан ғоят мамнундир. Отам халқнинг хоҳишини неча тарафдан узига тортади. Хусусан, отамнинг адолати бутун кечаларда Қодир Аллоҳ Таолога қилган ибодати ва мундан бошқа отамдаги ғайрат ва матонат халқнинг муҳаббатини отамга махкамлаштиради. Иш шундоқ бўлгондан кейин отамнинг тириклик чоғида ҳеч вақт подшоҳлик менга насиб бўлмайдир. Бир иш қилиб отамни ўлдирмоқ керак. Чунки отам ўлгондан сўнг халқ албатта мени подшоҳ кўтарур. Чунки бу ўлкада подшоҳликка мендан муносиб бир киши топилмас. Табиий, халқ ўз шоҳзодалари бўла туриб, иккинчи бир кишини подшоҳ қилмаслар. (фикр). Ҳар ҳолда дунё муборизаи ҳаётдир. Халқ мендан бошқани подшоҳ қилмас деб тинч ётмоқ ярамайди. Мана Жамшид тожи—тахтга эга бўлмоқ учун қанча ғайрат ва иштихот сарф этди. Инсон кўтара олмаслик оғир машаққатлар билан ўз муддаосига етишиб, бутун дунёга ҳукмронлик қилиб, тарихни ўз номи ва қилғон иши билан зийнатлади. Отам ҳам тож—тахтни осонлик билан қўлга киритмади. Отамнинг инсоният дунёсига қилғон буюк хизмати халқпарварликда кўрсатган фавқулоддда ғайрат, матонати орқасида бу тож—тахт отамга муяссар бўлди. Бу йўлда мен ҳам Жамшид билан отамдек фаолият кўрсатиб, йўлимга тўғри келган ҳар бир монеликни беҳу бунёди билан юлиб ташлайман. Ҳозирда мени қаршимда биргина зўр моне бор. У ҳар қандоқ монеъликдан эмас, отам қонини тўкиб! Мана энди икки йўл: ё тожу—тахтдан умид узу, ёки фариштадек пок отамни ўлдиру. Йўқ! Йўқ! Мен тож—тахтдан умид узолмайман, подшоҳ бўлмоқ кўнглимга шундоқ жойгир бўлғондирки, бу йўлдан ҳеч бир йўсин билан қайтмайман! Муддаомга қарши биргина отамнинг ҳаётига тездан хотима бериб, муддаога етишурман.(Шу чоқда руҳоний суратида шайтон Заҳҳокнинг тўғрисига келиб тўхтар. Заҳҳок бошини кўтариб, шайтонни кўриб, бир оз қўрқув билан) — Кимсан?

Шайтон: — Мен сенга носиҳ аминман. Хоҳларманки, сени Жамшиднинг ўрнига подшоҳ қилсам., Чунки сен ақлли, доно бир кимсасан.

Заҳҳок: — Эй, шайх, йўқ сузни сузлама! Отам турғонда менга подшоҳлик тегармн?

Шайтон: — Йўқ сўз эмас, бу жуда тўғри сўздур. Албатта, подшоҳ бўласан, эй Заҳҳок! Биласанми, Жамшиднинг тож—тахти сенга лойиқдир.

Заҳҳок: — Отам ... сиёсатда беназирдир. Отамни ақлу фаросатда, фахму—заковатда ҳеч мисли йўқ деб биламан. Раъият отам турғонда менга итоат қилиб, ҳеч вақт тожу—шохни бошимга қўймас.

Шайтон: — Эй Заҳҳок, албатта отанг тирик бор, раъият сени ҳеч вақт подшоҳ деб танишмайдур. Халққа узингни подшоҳ деб танитмоқ учун биргина таъбир ишлатмак керакдир.

Заҳҳок: — У нима, қандай тадбир?

— Шайтон: — Улдирмоқ!

Асарнинг кейинги қисмида Заҳҳокнинг тантаналар билан тахтга утириши, сарой айъёнларию халқ вакиллари табриклари кўрсатилади. Тез орада шайтон яна нуроний бир кекса қиёфасида пайдо бўлиб, Заҳҳокка берган ваъдалари нақадар тўғри чиққани ҳақида бундан кейинги ишларда ҳам бамаслаҳат бўлиши лозимлиги ва ҳоказолар устида сўзлайди. Заҳҳок бугун вужуди билан бунга ишонч ва ҳурмат изҳор этади, бундан кейин ҳам фақат унинг сўзларига риоя қилишга ваъда беради. Шайтонга «Тила тилагингни, нима тиласанг бераман», деган эди. Шайтон подшоҳнинг ошпазини назорат қилишни сўрайди. Шайтон бунга сабаб қилиб сен вазиру аъёнларингга ишонма, улар ҳар нима қилсалар овқатдан қиладилар. Менга сенинг саломатлигинг керак. Шунинг учун ошхонани сурадим, деб жавоб беради. Талаби қондирилади. Ошхона Шайтон қўлига утади. Ҳамма биринчи овқатнинг лаззатидан хайратга тушади, тасаннолар айтади, бироқ Шайтон бу ҳурматлар эвазига бирор мукофот олмай, подшоҳ кафтига кўзу юзини суриб олишни илтимос қилади. Илтимос адо этилиши билан Шайтон дарҳол «шайтон» қиёфасига кириб бир иблисона кулиб ғойиб бўлади... Ғойиб бўлиш олдидан унинг даҳшатли қиёфасига кўзлари тушиб, ҳаммаларини ваҳима босиб, ҳанг—манг бўлиб қолишади. Заҳҳок ҳам қўрқувда титраб, қақшаб турганда, елкалари беҳушов қичишиб кетадики, унга тоқат қилиб бўлмайди. Вазирларга қарашни буюради, қарашади. — Заҳҳокнинг икки елкасидан иккита илон усиб чиқиб ҳар нафасда улғайиб, оғир юк бўлиб боряпти. Табиблар келтирилади. Даво топилмайди. Айримлари жаллодга топширилади. Шу орада Шайтон табиб қиёфасида яна пайдо бўлади. Заҳҳок билан учрашади.

Заҳҳок:— Сен ҳакиммисан?

Шайтон.(таъзим билан) : — Бали, подшоҳи олам, санга дарду орис бўлиб ҳеч бир ҳаким муолажа қилолмаганин эшитиб, ўз бошимни қўлимга олиб, сенинг даргоҳингга келдим. Шояд, ҳукамоликда орттирғон кўп йиллги тажрибам орқасида сени бу дарддан халос қилгайман.

Заҳҳок (севинч билан): — Эй ҳаким, агар муолажа қилиб, бу илонлардан қутқарсанг, ҳар қандай талабинг бўлса берурман.

Шайтон: — Подшоҳи олам, сендан ҳеч бир талабим йўқдир. Фуқаронинг талаби сендан адолатли подшоҳнинг саломатлигидир. Сенинг саломатлигинг фуқароларга улуг давлатдир. Подшоҳи олам сендан утинурманки, мажлисни холи қилсанг, муолажа тарихини сенга бир—бир аён қилсам. (Ҳамма чиқиб кетади). Подшоҳи олам, сенинг дардинг ғоят хавфлидир. Бунга ҳеч бир илож қилиб бўлмас. Буни узинг ҳам билурсан. Бир чора бўлса ҳам жуда қийндур. (Заҳҳокнинг чеҳрасида газаб аломати) — Бунинг учун биргина йўл бор.

Заҳҳок: — Ул қайси йул? Тез сўйла!

Шайтон: — Ҳар кун икки одамнинг миясини чақиб, бу илонларга берилмаса, улар таскин топмасдан магзи сарингни емоққа бошлайдилар. У вақтда ҳалок бўларсан.

Заҳҳок: — Уз раъиятимни илонларга таом қилмоқ қандай булур? Бу иш ҳам яхши натижа бермас, эй ҳаким, бундан бошқа иложи йўқми?

— Шайтон: — Подшоҳи олам, бундан бошқа иложи йўқ. Ҳар куни икки раъиятни қони сенинг ҳаётинг учун ҳалоллдир.

Заҳҳок: — Уни қабул қилдим. Бу ишга кимни мубошир қилурман? Албатта бу иш яширин бўлса керак.

Шайтон: —Подшоҳи олам, бу ишга албатта ишончли вазирларингдан бирини мутасадди қилурсан. Узим ҳам хабар олиб турурман. Эмди менга рухсат бер, яна келурман.

Заҳҳок: — Бор, эртага келиб ҳабар ол. Агар сенинг топган чоранг билан бу илонлар таскин топсалар, сени бир мамлакатга вале қилурман.

Шайтон: — Подшоҳи олам, давлатинг зиёда бўлсин. Тез чорасига кириш! (Шайтон чиқиб йўлакда яна Шайтон қиёфасида кўриниб ғойиб бўлади).

Аҳмад АЛИЕВ

Муаммо билан юзма-юз

ИХТИРОЧИЛАРГА КИМ ЁРДАМ БЕРАДИ?

Аслида энг аввало дардга чалинмаслик чораларини кўриш керак. Касалликнинг олдини олиш имкони ҳамиша бор. Аммо ҳеч ким тасодифлардан, жароҳатлардан юз фоиз муҳафаза қилинмаган. Жароҳатларнинг энг оғири эса суяк синиши, айниқса, умуртқа суякларининг шикастланишидир. Чунки умуртқа одам вужудининг асосий таянчи ҳисобланади. Бинобарин, умуртқанинг шикастланиши ёки касалланиши инсон учун қанчалик оғир дардлигини тасаввур қилиш қийин эмас.

Статистик маълумотларга қараганда, умуртқа поғонасининг шикастланиши умумий жароҳатларнинг 3-4 фоизини ташкил этади. Анъанавий усулда, яъни жисмоний тарбия ва жарроҳлик воситасида даволанганда умуртқаси шикастланган бемор шифохона тўшагида ўртача 1,5-2 ой ётишга мажбур. Бунда унинг ўрнидан туриши таъқиқланади. Даволаш жараёни тўлиқ ниҳоясига етказилганда ҳам, илгари умуртқаси шикастланган беморларнинг 60—90 фоизи ногирон бўлиб қолишган. Ҳатто умуртқаси 1-даражали (енгил) жароҳатланганларнинг 56,4 фоизи тиббий комиссия томонидан ногирон деб топилган. Буларнинг ҳаммаси - беморни шифохонада узоқ вақт даволаш, кейинчалик кўп йиллар мобайнида ногиронлик нафақаси тўлаш давлатга қай даражада қимматга тушаётганини ҳисоблаб олиш қийин эмас. Беморнинг ўзи чекадиган азобларни, унинг оиласининг бу вақтдаги ташвишларини рақамларда акс эттириб бўлмайди, албатта.

Энг оғир дардлардан бири ҳисобланган умуртқа жароҳатланишини даволашда самарқандлик шифокорлар янги усул ва мосламани ихтиро қилишди. Самарқанддаги травматология ва ортопедия шифохонасининг умуртқа жарроҳлиги бўлими мудири Саидқосим Пардаев Самарқанд тиббиёт институти профессори Файзулла Ўринбоев билан ҳамкорликда тиббий қуллоб (корсет) ишлаб чиқишди. Мазкур ғоя анча илгари туғилиб, мосламанинг илк намунаси тайёрланганидан бери бир неча йил ўтди. Назарий хулосалар, амалий синов натижалари танланган янгича даволаш усулининг тўғрилигини тасдиқлади.

— Аввалига ўзимиз усталар ёрдамида ясаган мосламаларни қўлладик. Вақт ўтиши билан уни такомиллаштирдик; яъни «кийиб юриш»даги қулайлик даражаси бироз оширилди, — дейди шифокор С. Пардаев, — ушбу ихтиро учун 1995 йилда Москвадан патент беришди. Ўтган йиллар мобайнида 120 бемор ана шу мослама ёрдамида даволанди. Эндиликда шуни қатъият билан айтишимиз мумкинки, мазкур мослама — тиббий қуллоб қўлланилганда, бемор умуртқаси енгил шикастланган бўлса, 3 кунда, оғир жароҳатланган бўлса, 9-10 кунда оёққа туради. Унинг тўшакда ётиш даври ўртача 6-8 марта қисқаради. Шундан кейин даволанишни амбулатория шароитида давом эттириш мумкин. Бундан ташқари, тиббий қуллоб «кийган» беморнинг иш қобилияти даволаниш ниҳоясига етмасиданоқ 70—80 фоиз тикланади. Эндиликда оғир жароҳатланганларнинг 22 фоизигина ногиронлик (илгаридан 3—4 марта кам) нафақасига чиқаяпти. Умуртқаси енгил шикастланган беморларнинг бирортаси кейинги бир йилда ногирон бўлиб қолмади. Чунки янги мосламанинг хусусияти шундаки, у даволаниш жараёнида умуртқа поғонасига заррача оғирлик тушишига йўл қўймайди ва умуртқанинг қийшайишига имкон бермайди. Хуллас, бемор тиббий қуллоб (корсет)ни 2—2,5 ой давомида узлуксиз «кийиб юриши» керак. Ана шу режим бузилмаса, умуртқанинг ҳар қандай жароҳатланиши узоғи билан 4—4,5 ойда асоратсиз тўлиқ тузалиб кетади.

Биз ушбу шифохонада бўлиб, беморлар билан ҳам суҳбатлашдик. Масалан, бемор Шарофат 36 ёшда. Умуртқаси жароҳатланиб, саккиз ой тўшакда ётган. Мослама қўйилгач, оёққа турган. Ёки 16 ёшли бимор Умиданинг 2-бел умуртқаси синган. У тўртинчи қаватдан йиқилган экан. Илгари бундай жароҳатга дучор бўлганларнинг оёққа туриб кетишининг имкони деярли йўқ, деб ҳисобланган. Тиббий қуллоб қўлланилгач, Умида даволанишнинг 10-кунида оёққа турган. Бундай мисолларни анчагина келтириш мумкин, албатта.

Шу йил апрель ойида ихтиро муаллифи С. Пардаев Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Тошкентдаги травматология-ортопедия илмий-тадқиқот институтида ишлаб келди. Мосламанинг такрорий синови муваффақиятли ўтди. Унинг чизмалари республика янги техника қўмитасига топширилган. Умуман, ихтиро — янгилик тан олинди. Лекин шифокорларни битта мослама ўйлантирмоқда. Самарқанддаги шифохонага 70—80 та ана шундай мослама талаб этилади. Уни енгил металлдан саноат усулида ишлаб чиқариш керак. Битта қуллобнинг таннархи ҳозирги нархда 12 минг сўм атрофида ҳисобланмоқда. Бу жуда арзон. Чунки уни жуда узоқ вақт такрор-такрор ишлатиш мумкин. Бунинг устига даволаниш вақти қисқариши, ногиронликнинг камайишидан давлатга келадиган фойдани ҳам ҳисобга олиш шарт. Хўш, 1997 йилнинг асосий дастурини бажариш учун, яъни инсон манфаати учун, халқ саломатлиги учун 1-1,5 миллион сўм маблағни тадбиркорлар, йирик корхоналар ҳадя этолмайдими? Қисқаси, қуйидаги саволга аниқ амалий жавоб топиш керак: ихтирочига ким ёрдам беради?

Р. ҚУРБОНОВ,
«Ишонч» мухбири.

Самарқанд вилояти Оқтош шаҳар шифохонаси шифокорлари эл саломатлигини асраш йўлида самарали меҳнат қилишмоқда. Шифохона қошидаги кардиология бўлими хизмати ҳам элга манзур бўлаётир.

Суратда: шифохона шифокорлари Шоира Эшмирзаева, Салим Шаропов ва Гулсара Ёрматовалар.

Н.Алмуродов олган сурат.

«ПОЛВОНЖОН — СОҒЛОМЖОН» БАЙРАМИ

Фориш туманидаги «Бинафша» болалар боғчасида «Полвонжон — согломжон» байрами утказилди. Унга тумандан кўп кишилар келди, ота-оналар қатнашди.

Байрам тантанасини тарбиячи Латофат Камолова очди. Сунгра боғча мудираси Муқаддас Исмоилова қисқача маъруза қилди. У байрам қатнашчиларини табриклар экан, бугунги шодиёна қушиқ, уйин-кулги ва турли узаро беллашувлар билан утказилишини бирма-бир баён этди. Шундан кейин «Соғлом авлод учун» жамғармаси туман таянч пункти директори У. Остонова, маҳалла қумитаси раиси Х. Бозоровлар сузга чиқишиб, кичкинтойларни «Полвонжон — согломжон» байрами билан қизғин табрикладилар. Уларга «Соғлом авлод учун» туман таянч булими совғалари улашилди.

Сунгра уйин-кулги бошланди. Ватан, она ҳақида қушиқ ва шеърларни яхши ижро этган бир гуруҳ болаларга боғча маъмуриятининг совғалари берилди. «Ким чаққон» мавзуида баҳс булди. Унда «Ой» гуруҳи ютиб чиқди ва совриндор булди.

Ҳамма иш бошлиққа боғлиқ экан. Боғчага Муқаддас Исмоилова мудирликка тайинлангач, ишлар юришиб кетди ва тарбияланувчилар сони икки бараварга қупайди.

Ишласа булар экан-ку, дейишди байрамга келган ота-оналар ва байрам иштирокчилари.

Фориш туманида бўлиб ўтган ушбу «Полвонжон — соғломжон» байрами бизларда ҳам катта таассурот қолдирди.

Истеъмолчи манфаати — муқаддас

ЧАП БЕРМОҚЧИ ЭДИ, АММО

Шу йилнинг 29 июль куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Озиқ-овқат маҳсулотлари айрим турларини сотишни тартибга солиш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Бу муҳим ҳужжат ҳар бир фуқаронинг ҳақ-ҳуқуқларини муҳофаза қилиш, аҳоли саломатлигига зарар етказиши мумкин бўлган ҳолатларнинг олдини олиш, қолаверса, озиқ-овқат маҳсулотлари савдосини ташкил этишда тегишли тартиб ўрнатишга қаратилгандир.

Гулистон деҳқон бозори одатдагидек гавжум. Авжи пишиқчилик эмасми, расталардаги тўкинсочинлик кўзни яшнатади. Турнақатор тизилган деҳқонлар, тижоратчилар сафини оралаймиз. Бир неча кун илгари бу ерларни ун, қанд, шакар, сарёғ, ўсимлик ёғи сотиб ўтирган шахслар эгаллаганди. Бугун эса улар ўрнини полиз ва сабзавот маҳсулотларига бўшатиб берган. Аммо эътиборимизни ҳеч пинак бузмасдан ўсимлик ёғи сотиб ўтирган норғул йигит тортди. У ўзини Жабборов дея таништирди. Биз унга сифат сертификатлари, тайёрланган санаси ва яроқлилик муддати нормаси, қолаверса, сотиш учун санитария шарт-шароитлари мавжуд бўлмаган ва қонун талабларини кўзда тутувчи савдо қоидаларига риоя этмасдан сотувга чиқарилган маҳсулотлар мусодара этилишини уқтириб кўрдик. Сотувчи ҳам паст кетгиси келмади. У ўсимлик ёғини ўзи ишлаб чиқармаганлигини, Тошкент отчопаридан харид қилганлигини, янги қарордан хабарсиз эканлигини айтиб ўзини оқлаган бўлди. Аммо қонун барчага баробар. Тижоратчи А. Жабборов ўзини тўрт томонга ташламасин, барибир қонунни бажаришга мажбурлигини ҳис этди. Ҳеч қандай ҳужжатга эга бўлмаган 56 шиша ўсимлик ёғи эса савдодан олиб қўйилди.

Солиқчиларнинг бозор оралашидан безовталаниб, кўзлари аланг-жаланг бўлаётган 35-40 ёшлардаги аёл ҳаракатлари ҳам рейд иштирокчилари назаридан четда қолмади. У олдига бир уюм кир совунни уйиб, савдони қизитаётган экан. Совун нархини сўрар-сўрамасингиздан тижоратчи аёл ўзини оломон орасига урди. Ҳай-ҳайлаганча қолавердик. Ваҳоланки, у шундоқ дўкондан 17 дона кир совун харид қилиб айрим содда харидорларга пуллаб турган экан.

Шаҳарнинг Мустақиллик номли кўчасида ўз насибасини териб турган тижоратчи Камолиддин Тўйчиев фаолияти билан танишишга тўғри келди. Текширишда спиртли ичимликлар билан савдо қилаётган сотувчида на маҳаллий ҳокимлик рухсатномаси бор, на у шаҳар солиқ инспекциясидан рўйхатдан ўтган. Устига устак ароқ-коньяк акциз маркасиз сотувга чиқарилган.

— Бу моллар меники эмас, Т. Дадаевга тегишли, — дейди К. Тўйчиев. — Сотиб бер деб илтимос қилганди, сотаяпман.

— Харидор сизлардан сотиб олган, сифат сертификати бўлмаган спиртли ичимликлардан истеъмол қилиб заҳарланиб қолишидан қўрқмайсизларми, — деган саволга жавоб ололмадик.

Энг ачинарлиси, бирорта ҳужжатга эга бўлмаган шунга ўхшаш шахслар зиммасида ҳеч қандай масъулият ҳам йўқ. Уларнинг фикру ўйи битта — харидор чўнтагини шилиш. Шаҳарнинг IУ мавзесидаги бозорчада ҳам ўз нафси йўлида қонундан четлаб ўтган яна бир кимсага рўбарў келишимиз дилимизни хира торттирди. Олдига 38 қути турли хил чет эл сигаретларини тахлаб олган барзанги йигит ҳам рейд иштирокчиларига рўбарў келиб «шаталоқ» отиб қочди. Бу сохта тадбиркорнинг ҳам шахсини аниқлашнинг иложи бўлмади.

Хуллас, Гулистон шаҳрида қонун талабларига риоя қилмаётган учарлар парвозига чек қўйилди.

Шуҳрат ЙЎЛДОШЕВ,
Барот АРАҚУЛОВ,
Гулистон шаҳар солиқ инспекцияси ходимлари,
Нурилла ШАМСИЕВ,
«Ишонч» мухбири.

Маданият хабарлари

ВАТАН ҲИМОЯСИ МУҚАДДАС БУРЧ

Ҳаққулобод шаҳар маданият ишлари бўлими ходимлари Тошкент шаҳридаги «Н» ҳарбий бўлинмада бўлишиб, «Ватан ҳимояси муқаддас бурч» номли мавзуда учрашув ўтказдилар. Учрашувда бўлинма раҳбарлари ва аскарлари билан дилдан суҳбат қилдилар. Учрашув сўнгида «Норин навоси» бадиий ҳаваскорлик жамоаси бўлинмадаги барча ҳарбийларга замонавий куй-қўшиқлари билан маданий хизмат кўрсатдилар. Учрашув қизиқарли ва кўтаринки руҳда ўтди.

Садбархон ЖЎРАЕВА

Халқ таълими бўлимларида

ИСЛОҲОТГА ҲАР БИРИМИЗ МАСЪУЛМИЗ

Ҳаётимизнинг барча жабҳасида кечаётган ислоҳотлар халқ таълимида қандай бормоқда? Сирдарё вилоят ҳалқ таълими бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари Сайфуддин Худойбердиев билан бўлган мулоқотимиз ана шу ҳақда бўлди.

— Сайфуддин ака, янгича тафаккур шаклланаётган бугунги кунда маориф соҳасининг тутган ўрнини нималарда деб биласиз?

— Тарбия соҳаси ғоят мураккаб жараён. Бу муҳим ишни мактабларимиз оила, боғча билан узаро ҳамкорликда олиб бориши зарур. Ёшларнинг тафаккурини шакллантиришда синфдан ташқари ишлар ҳам ўзига хос аҳамиятга эга. Вилоятимиздаги 321 та умумтаълим мактабларида «Маҳалла — оила — мактаб» дастури асосида баҳоли қудрат тарбиявий ишлар олиб борилмоқда. Айниқса, ҳар бир мактабда «Маънавият ва маърифат» хоналари ташкил этилганлиги қувонарлидир. Мазкур хоналарни зарур қўлланмалар билан жиҳозлаш бўйича услубий тавсияларни бошқармамиз газетаси — «Зиёкор» орқали ҳар бир мактабга етказдик. Ушбу хоналарнинг 12 та бўлими бўлиб, ҳар бир ўқувчи ўзини қизиқтирган мавзуда қўшимча билим ва маълумотга эга бўлиш имкони яратилган.

— Халқ таълими соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳақида гапириб берсангиз?

— Вилоятимизда бугунги кунда 3 та гимназияда 1467 нафар, 7 та лицейда 562 нафар ўқувчига билим берилмоқда. Сўнгги пайтда Оқолтин туманида «Андижон», «Оқолтин» — иқтидорлик болалар мактабларининг ташкил этилганлиги ҳам мақсадга мувофиқ деб ўйлайман. Бундан ташқари, ҳозиргача АҚСЭЛС йўли билан Америка Қўшма штатларида 5 нафар мактаб ўқувчиси ўқиб келган бўлса, айни вақтда 2 нафар ўқувчи Америка мактабларида таҳсил олишяпти. Иқтидорли болаларни рағбатлантириш мақсадида «Камолот» жамғармаси вилоят бўлими билан ҳамкорликни кучайтириб, махсус стипендиялар ташкил этганмиз. Жойларда репетиторлик пунктлари очдик. Илгари бизни жуда ўйлантириб турган бир муаммо бор эди. У ҳам бўлса, ўрта мактабни битирган ёшларни ҳаётга тайёрлаш масаласи. Биргина мисол: қўриқ вилоятимизда ўтган ўқув йилида ўрта мактабларни 6241 ўқувчи тамомлади. Диагностик таҳлил кўрсатишича, бу ёшларнинг асосий қисми турли хил ўқув юртларига ўқишга ва ишга жойлашади. Сирасини айтганда эса, ўрта мактабни битирган ёшларнинг кейинги тақдири халқ таълими муассасалари ходимлари вазифасига кирмайдигандек тушлади. Лекин бу муаммога ҳам барҳам бердик, десам бўлади. Яъни ўқувчиларни мактаб партасиданоқ турли касбга йўналтириш борасида сай-ҳаракатлар қилиндди. Масалан, бундан уч йил аввал Оқолтин туманида «Касб мактаби» ташкил этган эдик. Бугунга келиб 200 нафар бола Y синфдан бошлаб этикдўзлик, сартаропшлик сингари кундалик зарур касб сирларини ўқув жараёнидаёқ биргаликда ўрганиб боришаяпти. Бунинг натижасида мазкур туманда балоғатга етмаган ёшлар ўртасида жиноятчилик кескин камайди. Бу каби фаолиятимизни янада кенгайтириш режамиз ҳам йўқ эмас.

— Ҳуқуқий билимлар хусусида ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— Дарҳақиқат, мамлакатимиз ёш фуқароларининг ҳуқуқий билимларини чуқурлаштириб бориш муҳим вазифадир. Бу борада янги ўқув йилидан бошлаб мактабларда ўқитилаётган «ҳуқуқшунослик асослари» фанига инсон ҳуқуқлари бўйича махсус бўлим киритиш ва унинг юқори савияда ўқитилишини таъминлаш чоралари кўрилаяпти.

Шуниси қувончлики, ўтган ўқув йилида Гулистон шаҳридаги У. Юсупов номли 11-ўрта мактаб базасида вилоят прокуратурасининг бевосита кўмаги билан «Ҳуқуқшунослик ва ҳуқуқ асослари» махсус синфи очилган эди. Мазкур синфни 27 нафар ўқувчи муваффақиятли битирди. Ҳозирги пайтда ана шу синфга янги ўқув йили учун ўқувчилар тест синовлари асосида қабул қилинаяпти.

— Мирзачўл шароитида халқ таълими соҳасида ўзига хосликни нималарда деб биласиз?

— Менимча, «ўзига хослик», албатта бўлиши керак. Бу табиий жараён деб биламан. Ҳозирги пайтда вилоят бўйича 791 ўқитувчи кадрлар етишмай турибди. Буларнинг аксарияти чет тили, жуғрофия, кимё, физика фанлари мутахассисларидир. Баъзи олий маълумотли педагоглар ўзларини тижоратга уриб кетишган.

Шундан келиб чиқиб, халқ таълими жонкуярларини алоҳида рағбатлантириб бориш мақсадида уч йилдирки, «вилоят халқ таълимининг фидойиси» фахрий унвони таъсис этилган. Бугунги кунда бу унвонга сазовор бўлганлар 147 нафарни ташкил этади. Яқинда бу унвон низомига ўзгартириш киритилди. Фан ва маориф ходимлари касаба уюшмаси вилоят қўмитаси билан биргаликда қабул қилинган қўшма қарорга асосан бундан буён ана шу унвонга сазовор бўлганлар бир йўла энг кам иш ҳақининг ўн баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

Вилоят ҳокимининг фармойиши билан барча қишлоқ мактабларига 2 гектардан ер ажратилган. Жорий йилда вилоят мактабларида 677,7 га пахта, 182 га ғалла, 91,5 га майдонга полиз экилган. Бу майдонлардан олинадиган даромад таълим муассасаларининг ички эҳтиёжлари, турли хил тадбирларни молиявий таъминлашга йўналтирилади.

— Мактабларнинг болалар боғчалари билан ўзаро ҳамкорлиги тўғрисида гапирсангиз.

— Болалар боғчалари ҳақиқатан ҳам мактабнинг таянч базаси ҳисобланади. Боғча ёшидаги болаларнинг атиги 27 фоизи тарбия масканларида қамраб олинганлиги вилоятимизда аҳволнинг яхши эмаслигини кўрсатиб турибди. Бу фоиз яна йил сайин қисқариб бориши ташвишли. Вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасига қарашли болалар боғчаларининг 83 таси хўжаликларнинг иқтисодий аҳволи кутара олмаслиги натижасида ёпилиб қолди. Айниқса, Ховос туманида 24 боғчадан 13 таси ёпилганлиги ғоят ачинарлидир. Сайхунобод ва Гулистон туманларида 2 талан боғча ишламай қолди.

Шуларни ҳисобга олиб 1994 йилдан бери Гулистондаги «Дустлик» каналига қарашли «Қувонч» болалар боғчасини тажриба тариқасида бошқармамиз ихтиёрига ўтказиб, бу ёзда инглиз тили, математика, атроф-олам тўғрисидаги фанлар чуқур ўргатиб борилишини таъминладик. Ажаб эмаски, имконият даражамиз кенгая бориб, ана шундай эзгу ишлар қўллаб амалга оширила борса-ю, боғчаларимиз ёпилмай қолса!

Суҳбатдош: Абдуманнон АЗИМОВ, «Ишонч» мухбири.

«Ипак йўли» йўналишида саёҳатга чиққан грециялик О. Пападогио ва К. Митсакислар шу кунларда Узбекистон ҳудудини айланишмоқда.

Сурат муаллифи Р. ГАЛИЕВ.

Ёз — ўтмоқда соз

ДЕНГИЗ БЎЙИДАГИ ОРОМГОҲ

Тошкент денгизи бўйида жойлашган «Меҳржон» оромгоҳида болажонларнинг қувноқ овози-ю, куй-қўшиқлари тинмайди. Узмаишийхизматуюшма тизимидаги бу масканда аҳолига маиший хизмат кўрсатувчи корхоналарда меҳнат қилаётган ишчи-хизматчиларнинг фарзандлари ҳордиқ чиқаришяпти. Мавжуд 8 корпусда бир сменада 400 нафар бола ёзни шодон утказиши учун барча қулайликлар яратилган. Зарур жиҳозлар билан таъминланган хоналар сув ҳавзаси, турли ўйинлар шаҳарчаси, кутубхона, спорт майдончаси ва уйингоҳ доимо болакайлар билан гавжум.

— Оромгоҳ ҳудудини март ойида ободонлаштирдик, — дейди оромгоҳ бошлиғи Хосият Охунжонова. — Барча хоналар жорий таъмирланди, эстрада майдончаси қайта қурилди. Мавсумга тайёргарлик кўриш бўйича оромгоҳимиз фахрли биринчи уринни эгаллаб, вилоят касаба уюшмалари кенгашининг дипломи билан тақдирланди.

Шуни айтиб ўтиш зарурки, «Меҳржон» учун ҳар йили Узмаишийхизматуюшма, Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳри касаба уюшмалари кенгашлари томонидан таъмирлаш ва маданий тадбирлар ўтказишга ҳар йили маблағ ажратилаяпти.

Оромгоҳда болажонларнинг ҳар бир куни завқли-шавқли ўтмоқда. Узоқ масофага югурувчилар, сузувчилар, нептун ва ҳиндлар кунлари ўтказилиб, голиблар тақдирланмоқда. Хафтада бир марта давлат тилида шеър ўқиш бўйича танлов ташкил этилаяпти. Бундай тадбирлар мактаб ўқувчиларининг дунёқараши бойиб боришни, соғлом ва бақувват ўсишларида муҳим омил бўлаяпти. Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятидан келган болалар учун пойтахтнинг манзарали ва диққатга сазовор жойлари бўйлаб уюштирилаётган саёҳатлар ҳам яхши самара бераяпти.

Аҳат МИНГУЛОВ.

Юбилей иншооти

ЖИЗЗАХДА ЯГОНА СПОРТ СОҒЛОМЛАШТИРИШ МАЖМУИ

Республикамиз мустақиллигининг 6 йиллиги яқинлашаётган шу кунларда Жиззах шаҳрида юбилей иншооти — йирик спорт комплекси тезкорлик билан қурилаяпти.

Умумий ҳажми 88 миллион сўмлик спорт соғломлаштириш мажмуи ҳисобланмиш ушбу иншоотни «Колхозқурилиш» трестига қарашли 544-хўжаликлараро механизациялашган кўчма жамланма жамоаси бунёд этишаяпти. Қурилиш ашёлари Жиззах ғишт заводидан, темирбетон буюмлари ва 1-қурилиш-монтаж комбинатларидан ўз вақтида келтириб турилганлиги сабабли иншоот бинолари асосан қад ростлаб бўлди. Қурувчилар ҳамма ишни режа асосида олиб боришаяпти.

Иншоот қурилишини Маҳмуд Тўрабоев, Ислом Собиров, Аббос Эшонқулов бошлиқ бригадаларнинг меҳнатсевар жамоалари жадаллик билан олиб боришяпти. Камол Ўролов, Эргаш Қосимов, Омон Шокиров, Ислом Усмонов, Қаҳҳор Эшонқулов, Раҳмат Эрматов каби қурувчилар кундалик топшириқни 1,5—2 бараварга етказиб бажаришмоқда.

— Иншоот битгач, ҳокимлик уни тўлиқ вилоят касаба уюшмалари кенгаши ихтиёрига бермоқчи, — дейди касаба уюшмалари кенгаши раиси вазифасини бажарувчи А. Ихтиёров. Ундан вилоятда спортни кенг ривожлантириш мақсадида фойдаланамиз. Чунки иншоотда спортнинг ҳамма турлари бўйича машғулотлар олиб бориш имкони мавжуд.

Қурувчилар спорт иншоотини 1 сентябрга ишга туширишмоқчи. Бу ишларга вилоят ҳокими Ш. Мирзиёев бош-қош бўлиб турибди.

Алибой ЭРГАШЕВ, «Ишонч» мухбири.

КЎКСАРОЙ

Наманган Фарғона водийсидагина эмас, Марказий Осиё минтақасида тақрорланмас табиати, бошқа жойларда учрамайдиган довдарахтлари, тоғлар ва адирликларга, серсув ариқлар шарқироқ сойларга, кўз етмас боғларга бойлиги билан ҳам ажралиб туради. Ва шу боисданки, Узбекистонимизнинг дам олиш зоналаридан бири саналади. Зероки, «Чорток», «Шаҳанд», «Ниҳол» оромгоҳларининг маъданли сувлари ҳар йили неча минг беморларга шифо бағишламоқда. Бундан ташқари, унинг табиат ардоқлаган гўшалари меҳнаткашларнинг меҳнат таътилларини кўнгилли утказишларида қўл келмоқда. Ана шундай масканлардан бири Янгиқўрғон туманидаги Нанай қишлоғидир.

Одатда халқимиз орасида азиз-авлиёлар қадами теккан, деб ардоқланадиган бундай жойлар билан боғлиқ афсоналар кўп. Аммо мен машҳур Насриддин афандимизнинг Шайтону Лайин билан ким узоқ қўшиқ айтиш бўйича баҳс бойлашиб Наманган шаҳридан саксон чақирим олисликдаги қишлоққача «Най-най» деган хиргойисини тугатмаганлиги ва бу беллашувда ютиб чиққанлиги, қишлоқ атрофидаги қайсидир тоғ орқали Тошкент вилоятидаги шу номдаги қишлоққа чиқадиган сирли йўл мавжудлиги ҳақидаги афсоналарга батафсил тўхталиб ўтмоқчи эмасман.

Лекин ҳар қандай эртак ва афсона остида қандайдир маънода ҳақиқат парчаси ётишлигини эслатиб ўтмоқчиман холос. Шундай атрофингизда бахайбат девордек юксалган Бўстў, нарироқдаги Почча-ота, айниқса, кун ботишдаги хайбатли Кўксарой тоғлари билан боғлиқ ҳам қизиқарли, ҳам бироз ваҳимали «миш-миш»лар авлоддан-авлодга ўтиб ҳозиргача тилсимотлигича қолмоқда. Айниқса, қуёш ботиши олдидан чинакамига бугун Ер юзига ҳукмини ўтказган подшо саройини эслатувчи Кўксарой қуриниши қанчалан қанча кишилар қалбига ажиб ҳис-туйғулар бағишламаган ва бу сирни ечиш учун неча-неча мардлар бел боғлашмаган. Бундан атиги 10-12 йил илгари ҳам ўнинчи синфда ўқиётган ва адир ҳамда тоғларга тирмашиб юриб усган турт нафар ўсмир Кўксарой «сир»ларини ўрганиш учун тонг саҳарда йўлга чиқишди-ю қайтиб келишмади. Энг ачинарлиси, улардан бирон из ёки жасадларини топиш ҳам бу ишга ўринган тегишли ташкилот ва идораларнинг мутахассисларига ҳам насиб этмади... Вилоят марказида ҳарорат қирқ даражадан ошганида ҳам тунлари қирпа ёпинмасдан ухлаш мушкул бўлган, асрий чўққиларидан қор аримайдиган, сойидаги сув тишингизни муздатадиган, тоғ ён бағирлари-ю бутун қир-адирлари олмазорлару арчазорларга бурканган шундай гўшага ким ҳам саёҳат қилиши, унинг беқиёс табиатидан баҳра олиши келмайди.

Вилоят «Наманганхравил» ҳисадорлик жамиятига қарашли мазкур оромгоҳ бошлиғи Турғунпўлат Эсонбоевнинг айтишича, 10 гектарлик майдонни 2 минг тупдан ортиқ дов-дарахт эгаллаган. Қуюқ дарахтзорлар ва туллар орасида бир кишилик, икки кишилик ва уч кишилик ҳамда барча қулайликлар муҳайё этилган уйчалар жойлашган.

Шифокорларнинг таъкидлашларича, юксак тоғ чўққиларидан бошланиб тошдан-тошга урилиб оқиб келаётган сой суви саломатлик учун ғоят фойдали минералларга бойдир. Айниқса, нафас йўли беморликлари шу оромгоҳ таъсирида кўп наф топишлиги исботланмоқда. Шунинг учун ҳам кейинги йилларда «Пахтачи», «Машинасоз» ором масканларида дам олувчилар муолажасига эътибор кучайтирилаётганлиги сингари бу ерда ҳам энг замонавий тиббиет ускуналари ёрдамида даволаш ишлари йўлга қўйилган.

Шунингдек, Нанай зонасида катталар учун мўлжалланган ушбу оромгоҳлар қаторида «Атлас», «Ғунча», «Камалак», «Алоқачи» каби болалар ҳордиқ масканлари ҳам фаолият кўрсатмоқда.

-Умуман, ҳар йили ҳудудимиздаги оромгоҳларда 20-25 минг нафар киши дам олиб саломатлигини тиклямоқда, -дейди шу мавзуда суҳбатлашганимизда Нанай қишлоқ фуқаролар кенгашининг раиси Носиржон Ҳайитбоев. - Биз бундан жуда ҳурсандмиз.

... Биз Намангандан чиқаётганимизда жазирама иссиқ авжига чиққан, нафас олиш қийинлашганди. Бир соат атрофида муддат ўтар-ўтмас «Кўксаройга» етиб келганимизда ҳавони қуюқ қора булут қоплаб чақмоқ чақаётган экан. Зум ўтмасдан ҳудди пақирдан қуяётгандек бўлиб жала қуйиб берди. Шоша-пиша ўзимизни панага олдик. Об-ҳавонинг кескин ўзгаришлиги этимизни жунжикитирганига қарамасдан ўзимизни анча тетик ва бардам ҳис этдик.

Сўнгра ЖУМАНАЗАРОВ, «Ишонч» мухбири.

Наманган янгиликлари

НАМАНГАНДА ЦИРК БЎЛАДИ

Наманган довруғи дунёга таралган шоиру санъаткорлар юрти. Ўзбекистон зангори экрани орқали намойиш этилган «Наманган сеҳргарлари» телефильми эса бу ерда цирк санъати усталари ҳам етарли эканлигидан дарак берди. Унда шаҳарда бир гуруҳ цирк усталари ҳам фаолият кўрсатаётганлиги акс этган эди. Дорбозлик, полвонлик, сеҳргарлик, чавандозлик, турли жониворларни ўргатиш каби цирк саҳналари тасвирланган мазкур телефильм кўпчилик томошабинларда қизиқиш уйғотди. Шулар эътиборга олинган ҳолда ниҳоят Наманган ўз циркига эга бўладиган бўлди. Маблағнинг асосий қисми ҳукумат томонидан ажратиляпти. Ҳозиргача ишлаб келган гуруҳ мазкур циркнинг ўқув базасига айлантирилади. Шундай қилиб бу ерда маҳаллий санъаткорлар билан бир қаторда хориждан келадиган масхарабозу ҳайвон ургатувчиларгача ўз санъатларини намойиш этишлари учун имконият яратилади.

ТАЛАБАЛАР ОРОМГОҲИ

Уқувчилар билан бир қаторда талабаларни янги ўқув йилига кўнгилли ҳордиқ чиқариб, соғлиқларини мустаҳкамлаган ҳолда келишларига эришиш муҳим аҳамият касб этади. Буни эътиборга олган Намангандаги Э.Отахонов номли тиббиёт билим юрти бу йил вилоятнинг оромбахш гўшаларидан саналган Янгиқўрғон туманининг «Нанай» қишлоғида «Шифокор» номли спорт-соғломлаштириш оромгоҳини ташкил этди. Бу ишда соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси вилоят қўмитаси ҳамда «Камолот» ёшлар жамғармаси вилоят бўлими бош-қош бўлди. Бугунги кунда мазкур масканда 60 нафар талаба мириқиб ҳордиқ чиқармоқда. Улар соғлиқларини тиклаш билан бир вақтда қишлоқ тиббиёт шахобчалари иши билан танишиб,ўз билимларини амалиётда мустаҳкамламоқдалар.

Бухоронинг 2500 йиллиги олдидан

АЗАМАТЛАР

Маълумингизким, кўҳна Бухоронинг 2500 йиллик қутлуғ тўйи кун сайин яқинлашиб келмоқда. Шу муносабат билан ёдгорликларни таъмирлаш, янги турар жойлар, корхоналар бунёд этиш қизғин паллага кирди. Юбилей арафасида эса, республика иқтисоди учун ўта самарали ҳисобланган йирик саноат корхонаси — Бухоро нефтни қайта ишлаш заводининг биринчи навбати ишга туширилади. Мухбиримиз республика ишлаб чиқариш давлат ширкат қурилиш бирлашмаси «Уздеҳқончиликқурилиш» 20-трести ҳиссадорлик жамияти бош муҳандиси Нутфулло Ҳусенов билан айнан шу хусусда суҳбатлашди.

— Энг аввало жамоангизда қурувчиларга яратилган шароитлар ҳақида сўзлаб берсангиз.

— Жамоада 1400 нафрга яқин қурувчи — монтажчи меҳнат қилади. Қувончлиси шундаки, сўнгги даврда қурилиш материаллари тақчиллигига қарамай, бизда ишчи ўринларни қисқартиришга йўл қўйилмади. Аксинча, уларга қулай меҳнат шароити яратиб бериш, ижтимоий, ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя этиш чоралари кўриляпти. Ҳозирда ишчиларимиз 3,5-5 минг сўм миқдорида маош олишади, илғорлар ўз вақтида моддий рағбатлантирилади.

— Нефтни қайта ишлаш заводи қурилишида, биламизки, 20 га яқин республика миқёсидаги қурилиш ташкилотлари фаолият кўрсатаяпти. Жамоангиз зиммасига қандай вазифа юклатилган?

— Қурилиш ишида бизнинг зиммамизга якка тартибдаги замонавий турар жойлар бунёд этиш ҳамда заводни тоза ичимлик суви билан таъминлаш вазифаси юклатилган эди. Куриниб турибдики, бу ҳам жуда савобли иш. Қолаверса, ҳаётда бирон бир каттароқ инга қўл уришдан аввал, бунинг учун асосий замин, имкониятларни яратиб олган маъқул. Зиммамиздаги бу муҳим вазифа ҳам ана шундай имкониятларнинг бироз деса бўлади.

Посёлка қурилишида бунёд этилиши мўлжалланган бу маскан ҳозир кўркам бир шаҳарча тусини олган ва нефтчилар шаҳарчаси деб юритиляпти. Мана шу шаҳарчада жамоамиз шу кунгача 18730 квадрат метр майдонда турар жой бинолари, шунингдек, бир сменада 150 беморни қабул қиладиган поликлиника, стационар бунёд этди. Бошқачароқ қилиб айтганда, ҳар бири 51,5 сўмдан 62,5 минг сўмгача бўлган турар жой бинолари қуриб битказдик.

— Қуюмозор сув тозалаш иншооти қурилиши хусусида ҳам гапириб ўтсангиз.

— Қуюмозордаги бу иншоот қурилишини давр, яъни Бухоро нефтни қайта ишлаш заводининг келажаги тақозо этди. 33 йил ишлаган бу иншоот суткасига 40 минг куб сувни тозалаб, Қоровулбозор тумани, нефтни қайта ишлаш заводи ҳамда нефтчилар шаҳарчаси аҳолисига етказиб беради.

— Жамоанинг юбилейга қўшаётган ҳиссаси қандай бўлаяпти?

— Албатта, бунадай савобли ишдан биз ҳам четда қолаётганимиз йўқ. Шу кунгача кўҳна Арк қалъасини эски лойиҳа асосида қайта таъмирлаб, бу ерда 2 млн, 120 минг сўмлик иш бажардик. Бундан ташқари, ёзги театрда 2,7 млн. сўмлик, Хўжа Калон мадрасасида 800 минг , Кўкалдош мадрасасида 146 минг сўмлик таъмирлаш ишларини амалга оширдик.

Хуллас, қутлуғ тўй — Бухоронинг 2500 йиллик шодиёналарини ёруғ юз билан қарши олиш илинжида яшаяпмиз.

— Мазмунли суҳбатингиз учун ташаккур!

Суҳбатдош: Ғафур ШУКУРОВ, «Ишонч» мухбири.

ҲАР ТЎҒРИДА

САРАЛАНГАН(?) МАҲБУСЛАР УЧУН МАХСУС ҚАМОҚХОНА

«Труд» газетасида босилган хабарга кўра Россия ички ишлар вазирлиги ходимлари қизиқ бир тажрибага қўл уришган. Ҳамонки, давлат янги қамоқхоналар қуриш ва эскиларини таъмирлаш учун 5,5 триллион рубл ваъда қилиб уни ҳануз бермаётган экан Милиционерлар бу ишда ёрдам беришни сўраб хусусий шахсларга мурожаат қилишди.

Дарров таклиф ҳам туша қолди. Узига тўқ кимсалар ҳар жиҳатдан қулай, ҳамма шароитлари мавжуд бўлган янги замонавий қамоқхона қурилишига ҳомийлик қилишларини билдиришди. Лойиҳага кўра, камераларда ваннахона, америкача душхона, италян сантехник жиҳозлари, япон телевизорлари, видеомагнитофон ва бошқа хорижий маиший ашёлар булади. Бунинг эвазига ҳомийлар биттагина шарт қўйишди, яъни у ҳам булса, бу ғаройиб-қамоқхоналарда улар таклиф қилган кишилар ётишар эмиш.

ҚИММАТГА ТУШГАН ТАБАССУМ

Оғриқни билинтирмайдиган дориларсиз ва стомотологик асбобларсиз ҳам очиқ ҳавода тишларни суғуриб олиш мумкинлигини Зелнодольсклик 18 яшар ўспирин «намойиш» қилди. У аёлнинг биратула учта тиши ва уларни тутиб турувчи олтита қоплажаларни суғуриб олди. Изоҳимиз шуки, уларнинг барчаси қимматбаҳо металлдан тайёрланган эди.

Ушбу ғайритабиий операцияга сабаб аёлнинг бекатда турган икки йигитчага тишларини ярақлатиб «олтин» табассум қилиши булди. Йигитлар аёлнинг оғзига бугун бир бойлик борлигига ишонч ҳосил қилиб, имкониятни бой бермай, уни яқин ўрмондаги чайлаларига таклиф қилишди. Йигитларнинг бири бутилкани очиш билан оворалигида иккинчиси уйига омбир олиб келиш учун гизиллади. Зиефат айни қизиган пайтида йигитлардан бири аёлни ўт-уланлар сари етаклади ва унинг тишларини ваҳшийларча суғуриб олди... Ҳаваскор «тиш докторлари»ни фотороботлар ёрдамида икки кундан кейин қўлга олдилар.

РАНГЛАРНИНГ ХОСИЯТИ

Одамларга ҳайронсиз, бирор нарсани эшитдими, тамом! Бокуда нашр қилинадиган «Аврасия» газетаси америкалик олимлар томонидан рангларнинг овқат ҳазм қилиш органлари фаолиятига таъсир қилиши ҳақидаги хабарни босиб чиқариши биланоқ шаҳардаги кўп қаватли уйларнинг бирида яшовчилар ҳожатхоналарини қизил ва сариқ рангга бўяб улгуришди.

Гап шундаки, турли рангларнинг киши организмига таъсирини ўрганиб олимлар, шундай хулосага келдилар. Хусусан, «иссиқ» ранглар — қизил, сариқ, қовоқранглар овқат ҳазм қилиш органларига ижобий таъсир кўрсатар экан.

Алқисса, сизда шундай муаммо бор экан, дориларга ружу қўймасдан керакли жойларни турли рангларга бўяш кифоя.

ҲИНДИСТОННИНГ ЭНГ КЕКСА КИШИСИ

920 миллионли Ҳиндистон аҳолиси орасида энг ёши улуғи Бидья Махан Деббарме экан. У мамлакатнинг шимолий-шарқидаги Трипур штатида истиқомат қилади.

Унинг шу ёшга кирганлиги жамоатчиликка тасодифан маълум бўлди. Бидья Махан кўз огриги туфайли окулист қабулига ёзилди. Руйхатхоналагилар унинг ёшини суриштирдилар. Бемор ёши 137 далигини айтди, бироқ унинг гапига ишонишмади ва штатнинг архивидан текшириб кўрдилар. Ҳаммаси тўғри булиб чиқди. Бундай янгиликдан хабар топган журналистларнинг «сайёҳаракатлари» билан янги хабар бир зумда бутун мамлакатга тарқалди.

1860 йили туғилган бу қария Трипурда ҳукм қилган уч авлод фаолиятининг тирик гувоҳи. У ўзи яшаган улка бенгал йўлбарсларининг кони булганлигини, уларни овлаш штатнинг таниқли кишиларигагина насиб қилганлигини яхши хотирлайди. Шу ёшга кирганлигига қарамай, Бидья Махан Деб-барме қадими ҳинд эпослари «Маҳабҳорат» ва «Рамаяна»лардан катта-катта парчаларини ёддан айтади.

ДИҚҚАТ, ЯНГИЛИК!

Ўзбекистон Республикаси Халқ банкининг сўм пластик карточкаси муомалага чиқарилди. Сиз талаб қилиб олгунча омонати бўйича электрон пластик карточкасига эга бўлиб, қимматли вақтингизни тежашга, пул маблағларингизнинг дахлсизлиги ва кўпайишига ҳамда барча товарларни харид қилишда туркум афзалликларга шароит яратган бўласиз. Бу омонат бўйича ҳисоб варақасини очиш учун Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек ва Миробод тумани Халқ банки бўлимларига мурожаат қилишингиз мумкин.

Қўшимча маълумотлар учун тел: 45-66-43, 78-53-63

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ ИШОНЧ

Бош муҳаррир ўринбосари: Чори ЛАТИПОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Л.ГУЛЬ, Э.ЁҚУБОВ, Ф. МУЛЛАЖАНОВ, М. ОТАҚУЛОВ, А.СИЛЕЕНКОВ, А.СУЛТОНОВ, М.ТУЛАГАНОВА, Р.УБАЙДУЛЛАЕВА, Б.УМУРЗОҚОВ, А.ФАРМОНОВ, Ф.ҲОЖИҚУЛОВА, Ҳ.ШАЙХОВ, Ф.ШОҲИСМОИЛ, З.ҚОДИРОВ.

Бош муҳаррир қабулхонаси-56-25-36
Бош муҳаррир ўринбосари-56-52-89
Масъул котиб - 56-52-78

БЎЛИМЛАР:
Касаба уюшмалари ва иқтисодиёт-56-82-79. Ахборот ва спорт-56-87-63. Маънавият ва маданият - 56-82-79. Хатлар, оммавий ишлар ва муҳбирлар билан ишлаш - 56-85-43. Тижорат ва ҳуқуқ-56-85-66.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Жиззахда - 3-82-18, Наманганда - 6-22-10, Самаркандда - 35-64-24, Фарғонада - 24-58-43, Урганчда - 6-03-40, Қаршида - 5-33-71.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган.
Сотувда эркин нархда.
Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, "Правда Востока" кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи; 64560; 64561.
Газетага 1994 йил 14 январда Узбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 5 рақамли гувоҳнома берилган. ІВМ компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Формати А-2. ҳажми 2 босма табоқ

«Шарқ» нашриёт—матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 4 1—уй. Буюртма Г— 0531. Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди 21.00. Масъул навбатчи : Олимжон ҲАЙИТ 1 2 3 4 5 6